O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV. №

Куч — адолатда

АДОЛАТ

Газета 1995 йил 22 февралдан чиқа бошлаган

2005 йил 11 февраль

№ 5 (501)

ГАЗЕТА ҲАФТАНИНГ ЖУМА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ.

Сотувда эркин нархда

ЎЗБЕКИСТОН «АДОЛАТ» СОЦИАЛ-ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИНИНГ ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ ВА ҲУҚУҚИЙ ГАЗЕТАСИ

Ўзбекистон «Адолат» СДПнинг 10 йиллигига

СИЁСИЙ КЕНГАШДА РАЁСАТ ЙИҒИЛИШИ

партиянинг муҳим тадбирлари ва вазифаларига бағишланди

Шу йилнинг 9 февралида мамлакатимиз пойтахти Тошкентда Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партияси Сиёсий Кенгаши Раёсатининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди. Унда асосий эътибор партия ҳаётидаги муҳим воқеа — "Адолат" социал-демократик партияси ташкил топганлигининг 10 йиллиги ҳамда партия Сиёсий Кенгашининг бўлажак III пленумини ўтказиш масалаларига қаратилди.

Раёсат йиғилишини Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партияси Сиёсий Кенгаши биринчи котиби, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Дилором Тошмуҳамедова бошқарди. У йиғилишни очиб, олдинда турган асосий вазифаларга йиғилганларнинг эътиборини қаратди. Келгусида қилинадиган ишларни алоҳида таъкидлади. Шу билан бирга Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг яқинда бўлиб ўтган қўшма мажлисида муҳтарам Президентимиз Ислом Каримовнинг "Бизнинг бош мақсадимиз — жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир" деб номланган нутқида келтирган ҳаётий фикрларини қўллаб-қувватлади. Ўзининг 50 минг нафардан ортиқ аъзосига эга бўлган "Адолат" социал-демократик партияси Президентимиз томонидан белгилаб берилган бу вазифаларни изчил амалга оширишда фаол бўлиши кераклигини уқтириб ўтди.

Шунингдек, Сиёсий Кенгаш биринчи котиби мамлакатимиз сиёсий ҳаётида ўзининг мустаҳкам ўрнига эга бўлган "Адолат" СДП ташкил топганлигининг 10 йиллигини муносиб нишонлашни, шу муносабат билан 18 февраль куни Тошкентда партия конференциясини ўтказилишни, унда партиянинг бугунги нуфузига ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшган фахрийларни эъзозлаб тақдирлашни маълум қилди.

Йиғилишда шу йилнинг 24 февралида бўлиб ўтадиган партия Сиёсий Кенгашининг III пленуми кун тартибига киритилган масалалар муҳокама этилди. Кўрилган масалалар юзасидан тегишли қарор қабул қилинди.

Бахтиёр ТОШНАЗАРОВ,
"Адолат" мухбири,
Суратда: йиғилиш қатнашчиларидан бир гуруҳи

Бугуннинг гапи

ПЕНСИЯ ЖАМҒАРМАСИ НИМА?

унинг таъминоти, жараёнлари қандай кечади?

2004 йилнинг декабрь ойида иккинчи чақириқ Олий Мажлисининг XVI сессиясида «Фуқароларнинг жамғариб бориладиган пенсия таъминоти тўғрисида»ги Қонун қабул қилинди. Мазкур Қонуннинг ижросини таъминлаш мақсадида 2004 йилнинг 21 декабрида Вазирлар Маҳкамасининг «Фуқароларнинг жамғариб бориладиган пенсия таъминоти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини амалга ошириш чора-тадбирлари ҳақида қарори ҳам матбуотда чоп этилди. Мазкур қонун ва ҳужжатлар шу йил 1 январдан амал қила бошлади. Шу муносабат билан Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари пенсия жамғармасининг ижрочи директори Шуҳрат МАНСУРОВга мазкур қонуннинг асл мақсади ва моҳиятини атрофлича изоҳлаб беришни сўраб мурожаат этдик.

— Қонуннинг туб мақсади амалдаги пенсия тизимини ислоҳ қилишдан иборат. У асосан бозор иқтисодиёти шароитида пенсия ёшидаги фуқароларимизни моддий жиҳатдан янада қўллаб-қувватлаш, иш берувчиларнинг ўз ходимлари моддий аҳволини яхшилашдаги масъулиятини кучайтириш, амалдаги пенсия тўловларига қўшимча даромад олиш манбаларини яратиш, қолаверса, кексалик чоғида фуқароларнинг ўз фаровонлиги учун шахсий жамғармаларини шакллантиришга замин ҳозирлаш каби масалаларни қамраб олади. Хуллас, бир сўз билан айтганда, бу Қонун республикамиздаги фуқароларга кексалик ҳаётини гаштли ўтказишга имконият яратади.

Мазкур масъулиятли вазифаларнинг айнан «Халқ банки»га юклатилганлиги, аввало, уни бу банкка бўлган ишончидир. Қолаверса, «Халқ банки» мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган тижорат банклари орасида ўзининг узоқ тарихи ва бой анъаналари билан ажралиб туради. Ўз вақтида жамғарма кассалари фақатгина аҳоли қўлидаги бўш пул маблағларини омонатларга ва учинчи шахслар ҳисобига тўловларни қабул қилиш каби жисмоний шахслар билан боғлиқ муаммоларни амалга оширган. Ўтган 13 йил — мустақиллик даври давомида банк бир нечта иқтисодий-ижтимоий ислоҳотларга оид умумдавлат тадбирлари иштирокчиси сифатида ўзига юклатилган вазифаларни бажарган ва бажариб келмоқда.

Ҳозирда мамлакатимизнинг ҳар уч нафар фуқаросидан биттаси «Халқ банки» омонатчиси ҳисобланади. Республикамизнинг ҳар бир ҳудудида банк ўз муассасасига эга бўлиб, унинг 14 ҳудудий, 187 туман (шаҳар) филиаллари, 198 та мини-банк ва қарийб 2,5 мингдан зиёд шохобчалари мижозларга банк хизмати турларини кўрсатиб келмоқда.

Мазкур Қонуннинг 6-моддасида Иш берувчиларнинг, шунингдек, меҳнат фаолиятини шартнома асосида амалга оширувчи фуқароларнинг жамғариб бориладиган пенсия тизимида иштирок этиши мажбурийлиги кўрсатиб ўтилган. Демак, бу пенсия ёшида меҳнат фаолиятини давом эттираётган фуқароларга ҳам таллуқли.

Хўжалик субъектларида меҳнат шартномаси асосида ишлаётган фуқаролар мазкур тизим субъектларига айланадилар ва унда мажбурий асосда иштирок этадилар. Бунда уларнинг ойлик иш ҳақларининг бир фоизи (2005 йил январь ойи учун ҳисобланган иш ҳақидан бошлаб) миқдоридаги маблағ, ҳисобланган даромад солиғи суммасидан чегириб ташланган ҳолда, шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисоб варақларига ўтказилади.

Барча юридик шахслар, яъни, иш берувчилар ўзлари жойлашган ҳудудлар бўйича «Халқ банки»нинг туман ва шаҳар филиалларига ўз ходимлари учун очилган ҳисоб рақамларга февраль ойининг дастлабки кунларидан эътиборан (январь ойидаги иш ҳақи учун) жамғариб бориладиган пенсия таъминоти бадалларини ўтказишлари лозим. Юридик шахс бўлмаган ҳолда фаолият кўрсатаётган тадбиркорлар, деҳқон хўжаликларини аъзолари, уй бекалари, вақтинча ишламаётган ҳамда бошқа фуқаролар эса ихтиёрийлик асосида иштирок этишлари мумкин. Улар ўзлари яшаб турган ҳудуддаги «Халқ банки» филиалига мурожаат этиб, шахсий жамғариб бориладиган ҳисоб варағи очади ҳамда ўзларига қулай вақтда ушбу ҳисоб варақка чекланмаган миқдордаги бадалларни қўйишлари мумкин.

Фуқаро вафот этган тақдирда, унинг ҳисоб варағида жамғарилган маблағлар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда меросга ўтади ва маблағлар бир йўла тўла ҳажмда тўланади. Агар, фуқаро Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ташқарига доимий яшаш учун чиқиб кетаётган бўлса, унга ҳам маблағлар бир йўла тўла ҳажмда тўланади.

Қонуннинг 10-моддасида «Иш берувчига шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисоб варақларига қўшимча бадаллар тўлаш ҳуқуқи берилади», дейилган. Бунинг изоҳи шуки, иш берувчилар ўз маблағлари ҳисобидан (агар бу жамоа шартномасида кўрсатилган бўлса ёки ишчи гуруҳларининг розилиги билан) ходимларининг шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисоб варақларига қўшимча бадаллар ўтказиш ҳуқуқига эгалар. Жамғариб бориладиган пенсия тизимида мажбурий тартибда иштирок этувчи фуқаролар ўз шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисоб варақларига ўзлари қўшимча исталган миқдордаги бадалларни киритишлари мумкин.

Шу ўринда савол туғилиши мумкин: фуқаро пенсия тўловларининг олиш муддатини ўзи танлай оладими, йўқми? Фуқаро давлат пенсиясини олиш ҳуқуқига эга бўлганида, яъни, ёши муносабати билан пенсия тайинланганда, ногиронлик пенсиясини олаётганда ҳамда боқувчисини йўқотганлиги туфайли пенсия белгиланганида унинг номидаги жамғариб бориладиган пенсия миқдори ўрнатилган тартибда бир йўла тўла ҳажмда ёки фуқаронинг хоҳишига кўра, муайян давр оралиғида ойма-ой таъминланади.

Эътиборли жиҳати, Қонуннинг 5-моддасида жамғариб бориладиган пенсия тизимида иштирок этувчи фуқароларнинг шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисоб варақларида жамғарилган маблағларни сақланиши ва тўланиши Давлат томонидан кафолатланган.

Ҳозир бизга ёзма ҳолда ва қўнғироқлар орқали: «Фуқароларнинг жамғарилган маблағларига даромад тўлаш кўзда тутилганми?» — деган саволлар тушаяпти. «Халқ банки» жамғариб бориладиган пенсия тизимида шакланган маблағларни кўпайтириш ҳамда уларни пул қадрсизланишидан ҳимоя этиш мақсадида мужассамланган маблағлардан инвестиция ва кредит ресурслари сифатида, шунингдек, уларни молиявий воситаларга жойлаштирилиб, олинган даромад ҳисобига шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисоб варақларидаги маблағларга пул қадрсизланишига нисбатан юқори суръатлардаги ставкалар бўйича фоиз даромадларини қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳисоблаб, қўшиб боради. Фоиз ставкасини «Халқ банки» Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Марказий банк билан келишилган ҳолда белгилайди.

Шу ўринда жамғариб бориладиган пенсия тўловларини олувчининг ҳуқуқлари тўғрисида ҳам айтиб ўтишга тўғри келади. Жамғариб бориладиган пенсия тўловларини олувчи:

— шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисоб варағидан тўловларини албатта шунга ҳуқуқи бўлганидан кейин олиш;

— шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисоб варағидаги жамғармаларнинг ҳолати тўғрисида, унга ҳисобланган фоизлар ҳақидаги маълумотларни «Халқ банки» филиалларидан ўз сўровига кўра, йил давомида исталган вақтда талаб этиш;

— сўров бўйича шахсий ҳисобга олиш учун иш берувчи томонидан «Халқ банки» филиалига тақдим этилган маълумотларнинг нусхасини иш берувчидан исталган вақтда олиш;

— ўзининг ҳисоб варағидаги мавжуд бўлган маълумотларга, жумладан ўтказилган бадаллар суммасига рози бўлмаган тақдирда ариза билан иш берувчига, «Халқ банки»га ёки судга мурожаат қилиш;

— шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисоб варағидаги жамғармаларини қонун ҳужжатларига мувофиқ васият қилиш ҳуқуқларига эга.

Ҳозирги кунда жамғариб бориладиган пенсия тизимида мажбурий тарзда иштирок этувчи фуқароларни ҳисобга олиш ва уларга ҳисоб варақларни очиш учун Ҳукумат телеграммасига асосан жойларда мутасадди ташкилотлар билан ўтказилган семинар-кенгашларда иш берувчиларга қулайликлар яратиш мақсадида, ички ишлар бўлимларининг ташаббуси билан ўзларининг ички ахборот тизимлари орқали фуқаронинг шахсий индентификация рақамини аниқлаб берилиши йўлга қўйилган.

Шу кунларда қонунни бажарилишини таъминлаш мақсадида Халқ банкининг барча филиалларида жамғариб бориладиган пенсия тизимида иштирок этувчи фуқароларга ҳисоб варақларини очиш дастури ишлаб чиқилди ва жадал жорий этилмоқда.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Марказий банк ва Давлат Солиқ қўмитасининг масъул ходимлари билан биргаликда 2004 йилнинг 14-16 декабрларида ҳамда жорий йилнинг 3-8 январь кунлари барча вилоятларда Қонуннинг бажарилиши бўйича амалга оширилаётган ишлар ўрганилиб барча керакли тушунтиришлар берилди.

Айни пайтда фурсатдан фойдаланиб айтмоғим даркор, бу муҳим ижтимоий-иқтисодий ва умуминсоний тадбирнинг тарғибот ҳамда ташвиқот ишларида республика оммавий-ахборот воситаларининг ҳам фаол иштирок этаётганлиги бизда катта мамнуният уйғотмоқда.

КЎНГИЛ ТЎЛА ИФТИХОР

Қашқадарё нафақат ер ости ва ер усти бойликлари, балки пахта, ғалла етиштириш бўйича ҳам республикада етакчи ўринда туради. Воҳанинг мамлакатимиз иқтисодий салоҳиятида ўзига хос алоҳида ўрни бор.

Бугунги кунда мамлакатимиз бўйича қазиб олинаётган табиий газнинг 88 фоизи, нефьтнинг 92 фоизи вилоятимиз ҳиссасига тўғри келади. Муборак газни қайта ишлаш заводи, Таллимаржон ГРЕСи, Кўкдумалоқ нефьт кони ва бошқа кўплаб иншоотлар мустақил мамлакатимизнинг асосий ёнилғи-энергетика базасини ташкил этади.

Мен ана шу воҳада туғилиб, вояга етдим. Бир неча йилдирки, мустақиллик шарофати билан пайдо бўлган Ўзбекистон "Адолат" СДПнинг вилоят ташкилотига раҳбарлик қилаяпман. Юртимиз тинч. Иқтисодий ислоҳотлар изчил давом эттирилмоқда. Истиқлол йилларида нафақат иқтисодий соҳаларда, юртдошларимизнинг тафаккурларида ҳам ўнгланиш, янгиланиш юз берди. Ўзбекистоннинг келажакда буюк давлатга айланишига чин дилдан ишонаман. Бундан қалбим ғурурга тўлади.

Президентимиз "Бизнинг энг муқаддас ва шарафли вазифамиз истиқлолимизнинг қадрига етиб, уни ҳамжиҳатлик билан, бор кучимиз ва иймонимиз билан сақлаб қолиш учун курашишдан иборат", деган эдилар. Бугун биз бунга амал қилиб, иш юритмоқдамиз. Партиямиз аъзолари якдил бўлиб истиқлолимизни улуғлаб уни янада мустаҳкамлаш чора-тадбирларини кўряпмиз. Биздан авлодларга озод ва обод Ватан қолдириш учун бор куч-ғайрат, билим ва тажрибаларимизни ишга солаяпмиз. Чунки мустақиллик инсон учун энг улуғ бахт, энг буюк неъматдир.

Кези келганда айтиш керакки, юртимизда кечаётган демократик ўзгаришларни чуқурлаштириш ва аҳолининг Сиёсий савиясини, ижтимоий фаоллигини оширишда сиёсий партияларимизнинг роли катта. Партияларнинг ҳуқуқлари, бурчлари ва вазифалари "Ўзбекистон Республикасида сиёсий партиялар тўғрисида"ги Қонунда аниқравшан белгилаб берилган. Мамлакатимизда бўлгани каби айни пайтда вилоятимизда ҳам бешта сиёсий партия фаолият юритмоқда.

Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партияси вилоят Кенгаши ўз фаолиятини 1996 йил сентябрь ойида бошлаган. Ўша йиллари партиямиз сафларида саноқли аъзоларимиз бор эди. Биз фаолларимиз билан ҳамкорликда жойларда партиямизнинг ўз олдига қўйган мақсад ва вазифаларини, келгусидаги ғояларини аҳолига кенг тушунтирдик. Айниқса, партиямизнинг аниқ дастури, унинг халқ фаровонлигини ошириш борасидаги реал режалари кўпчиликка манзур бўлди. Маҳаллаларда, завод, фабрикаларда партиямиз жонкуярлари ўз ғояларини ишчи-хизматчиларга тўғри тушинтирдилар. Айниқса, аҳоли зич яшайдиган жойларда учрашувлар ташкил этганимиз партиямиз сафларини сон ва сифат жиҳатидан ўсишини таъминлади. Партиямиз ташкил этилганлигининг 10 йиллиги нишонланаётган ҳозирги кунда вилоят партия ташкилотимизга беш мингдан ортиқ аъзо уюшган. Айни пайтда фаолларимиз кўмагида республика раҳбарияти, юқори партия органимиз дастурини омма онгига етказиш, ҳаётга тадбиқ этиш, кишиларни эзгу ишларга сафарбар қилишга интилаяпмиз.

Ўтган даврда вилоят партия Кенгашимиз анчагина ишларни амалга оширди. Масалан, барча туманларда партия Кенгашлари тузилди. Ўнлаб корхона, ташкилотларда шу кунларда бошланғич ташкилотларимиз иш олиб бормоқда. Биз асосий эътиборни партиямиз Дастурида белгилаб қўйилганидек, аҳолининг кам даромадли қатламларини ижтимоий муҳофаза қилишга, ишсизликни камайтиришга қаратяпмиз. Бунинг эвазига фуқароларнинг партиямизга ишончи ортиб боряпти. Бошланғич ташкилотларимизга партияга аъзо бўлиш истагида аризалар беришмоқда.

Китоб, Шаҳрисабз ва Муборак туманлари партия Кенгашлари биринчи котиблари Зариф Бурхонов, Мўмин Азизов, Равшан Ҳамраев, Жаҳон Бўриев, Сайёра Усмонова, Насриддин Чоршанбиев, Маҳмуд Қобулов каби ўнлаб фидойиларимиз партиямизнинг обрўси ва нуфузини оширишга алоҳида куч-ғайрат сарфлашмоқда. Партия ишига садоқат билан хизмат қилаётган бундай фаолларимизнинг борлиги учун ҳам яқиндагина Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ҳамда Халқ депутатлари вилоят ва туман Кенгашларига бўлиб ўтган сайловларда сезиларли муваффақиятларга эришдик.

Ўзим Олий Мажлиснинг Қонунчилик палатасига депутат этиб сайландим. Эл ишончини оқлаш, юртимга фарзандлик бурчимни адо этиш мен учун юксак шарафдир.

Партиямиз ташкил этилганлигининг 10 йиллиги муносабати билан барча сафдошларимни чин дилдан муборакбод этаман. Адолат йўлида олиб бораётган сермашаққат ишларида фақат омад ёр бўлишига тилакдошман. "Адолат" нинг саодатли кунлари боқий бўлсин.

Абдулла АБДУНАЗАРОВ,
Ўзбекистон "Адолат" социал —демократик партияси Қашқадарё вилоят Кенгаши биринчи котиби, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутати.

Раъно — деҳқон қизи. Андижон вилояти Булоқбоши туманидаги Ширмонбулоқ қишлоғида туғилган. Отаси Гофуржон ака Эргашев донгдор пахтакор, онаси Қандолатхон ая ҳам бутун умр деҳқончилик қилиб пенсияга чиққан. Улар 7 фарзандни тарбиялаб ўстирдилар. Раъно — оилада тўртинчи фарзанд.

Журналистика соҳасини танлаган Раъно Ҳайитбоева 1993 йили Тошкент Давлат университетини тамомлади ва Андижон Давлат университетининг журналистика бўлимида 4 йил асиссентлик қилди. У мана саккиз йилдирки Андижон вилоят хотин-қизлар қўмитасининг нашри «Иқбол» газетасида мухбирлик қилади. 1998 йилдан буён эса «Адолат» социал-демократик партияси вилоят Кенгаши қошидаги журналистлар бошланғич ташкилотига котиблик қилмоқда.

КУРАШ БОР ЖОЙДА ЮТУҚ БОР

Ташкилотнинг 21 аъзоси бор. Булоқбоши туманидаги «Булоқбоши» газетаси муҳаррирининг ўринбосари Абдумаҳмуд Ғозиев, «7х7» газетаси муҳаррирининг ўринбосари Феруза Мирзаолимова, «Тараққиёт» телерадиокомпанияси муҳаррири Феруза Орипова каби фаоллар партия ғояларини кенг тарғиб этишда бошқаларга ўрнак бўлмоқдалар. Яқинда партия сафига яна бир қалби қайноқ журналист «Иқбол» газетасининг масъул котиби Маҳфуза Норбоева ҳам қўшилди.

— Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига номзодлари кўрсатилган вилоятимиздаги «Адолат» партияси аёлларидан бирортаси депутат бўла олмади — дейди, Раъно Ҳайитбоева. — Мана шу бизга жуда алам қилди. Бироқ мағлубият ҳам сабоқ. Биз курашда тобландик. Ғолиб чиқиш учун нималар қилиш кераклиги билиб олдик. Кейинги сайловларга ҳали вақт кўп. Аммо биз унга бугундан ҳозирлик кўраяпмиз.

Партиянинг вилоят журналистлар бошланғич ташлоти аъзолари қаламига мансуб жуда кўп мақола, телерадио кўрсатувлар «Адолат» партияси дастури, моҳияти ва фаолиятини очиб бормоқда. Р.Ҳайитбоева Конред Аденуэр халқаро жамғармаси томонидан ўтказилган «Сиёсий партиялар фаоллигини ошириш» танловида ўзининг «Куч-адолатдадир» мақоласи билан иштирок этди. «Адолат» партияси Андижон вилоят Кенгаши томонидан халқ орасида олиб борилаётган тадбирлар ҳақида ҳикоя қилувчи бу мақола «Иқбол» газетасида чоп этилди, радиолавҳа сифатида эфирга узатилди.

Раъно Ширмонбулоққа борганда отаси Ғофуржон ота қизидан:

— Шаҳарда нима гаплар? — дея сўради.

— Курашяпмиз, — деди Раъно — ҳаётимиз янада фаровон бўлиши, адолат учун курашяпмиз!

Донгдор пахтакор муштини қисиб баланд кўтарарканг:

—Тўғри, кураш бор жойдагина ютуқ бор! – деди.

Тўлқин СИДДИҚ
«Адолат» мухбири

МИЛЛАТ ШАЪНИГА ДОҒ

Бир вақтлар буюк Толстой шундай эсда қоларли сўзларни ёзиб қолдирган эди: «**Одамнинг маънавий камолотда қай даражага кўтарилганини унинг нимадан уялиши ва нимадан уялмаслигидек аниқ кўрсатиб берадиган нарса йўқ**». Инсонни бошқа жонзотлардан ажратиб турадиган ҳам айнан мана шу уялиш ҳисси бўлса ажаб эмас... Шу нарсани эслаб қолинг.

Биз мустақиллигимизнинг ўн тўрт йиллигини кутиб олиш арафасидамиз. Қолониал ботқоғидан қаддини кўтариб олган Ватанимиз шу йиллар давомида ўз кўркини, қадди-бастини бутун жаҳонга намойиш қилиб келаётир. Биз энди «Ўзбекистон — Ватаним маним, маним озод Ватаним» деб бор овоз билан, ифтихор ила айта олиш ҳуқуқига эгамиз.

Ватанни ҳар ким ҳар хил севади. Биз ўз ёнимиздагилардан ватанпарвар бўлишларини талаб қилишга ҳаққимиз йўқ, албатта, лекин Ватаннинг юзига билиб-билмай лой чапламасликни талаб қилишга ҳақлимиз.

4-бет

Республика Ташқи ишлар вазирлиги қабуллар уйида Марказий Осиёда ядродан холи ҳудуд ҳақидаги шартнома лойиҳаси ижросига бағишланган халқаро анжуман якунларига оид брифинг ўтказилди.

Марказий Осиёни ядро қуролидан холи ҳудудга айлантириш тўғрисидаги шартноманинг лойиҳаси шу пайтгача мавжуд эди. Тошкентда ўтказилган охирги анжуманда у Марказий Осиё давлатлари вакиллари томонидан тасдиқланди. Бунинг ифодаси ўлароқ Ўзбекистон, Туркманистон, Қирғизистон, Тожикистон ва Қозоғистон томонларининг қўшма баёноти қабул қилинди.

БАҲАМЖИҲАТ КЕЛИШУВ

Матбуот брифингида шартноманинг якуний матни Марказий Осиёдаги ҳар бир давлат манфаатларига мос келиши, бундан буён мазкур ҳужжат Марказий Осиёни ядродан холи ҳудудга айлантириш тўғрисидаги "Тошкент шартномаси" дея аталиши билдирилди.

Тадбирда Президентимиз ташаббуси билан бошланган ҳаракат туфайли бугун минтақадаги ҳар бешала давлат тарихий ютуқни қўлга киритганлиги таъкидланди. Шунингдек, Марказий Осиёни ядро қуролидан холи ҳудудга айлантириш тўғрисидаги шартнома минтақавий муҳим аҳамиятга эга биринчи ҳужжат эканлиги ҳамда ундаги вазифалар минтақадаги давлатларнинг ўзаро муносабатларида устивор йўналишлиги эътироф этилди.

"Туркистон-пресс"

МУНОСИБ РАҒБАТ

Сурхондарё вилоятида 2004 йилда аввалги йилдагиларга қараганда жиноятчилик, безорилик кескин камайди.

Бунинг шарофати билан маҳаллаларда тинчлик ва осойишталикни таъминлашга муваффақ бўлган энг яхши милиция таянч пунктлари танлаб олиниб ҳам моддий жиҳатдан, ҳам маънави жиҳатдан рағбатлантирилди. Биринчи ўрин Сариосиё туманидаги Мирзо Улуғбек номли маҳалла фуқаролар йиғини қошидаги милиция таянч пунктига насиб қилди. Уларга вилоят ҳокимлигининг Биринчи даражали дипломи ҳамда "Тико" русумли автомашина ҳамда пул мукофоти берилди. Иккинчи ўрин Шўрчи тумани Саксонкапа маҳалласи қошидаги милиция таянч пунктига берилди. Таянч пунктга иккинчи даражали диплом "Жигули" енгил автомашинаси ҳамда пул мукофоти тақдим этилди.

Махмуд АБУЛФАЙЗ

2005 йил Сиҳат-саломатлик йили

ТИШ ДАВОЛАШНИНГ ЯНГИЧА УСУЛИ

“Сиҳат саломатлик йили”да Фарғона вилоят бирлашган стаматология шифохонасида тиш даволашнинг янгича усули — тишларни реплантация қилиш йўлга қўйилди.

Мамлакатимизда биринчи бўлиб амалиётга жорий этилган янги даволаш усули, ўзига хос жихатлари билан ажралиб туради. Даволашнинг бу усулида беморлар протез тишлардан кўра, табиий тишлардан фойдаланиш имкониятига эга бўлди.

Айни кунда вилоятимиз аҳолисига 17та стаматология поликлиникаси хизмат кўрсатмоқда, — дейди вилоят бирлашган стамотология шифохонаси бош ҳакими Муҳиддин Исмоилов.— Бемор тишларини даволашда вилоятимизда ўзига хос иш тажрибалари тўпланган. Ҳозир 30 ўринли стационаримизда стаматологиянинг барча йўналишларида энг мураккаб жарроҳлик ишлари бажарилаяпти. Жорий йилда эса “Соғлом авлод учун” халқаро ҳайрия жамғармаси амалий ёрдами билан тиш даволаш хоналари учун замонвий жиҳозлар берилди. Германиядан келтирилган янги даволаш ускуналари ёрдамида асосан туғма нуқсони бўлган болалар бепул даволанади. Шунингдек, улар учун махсус хоналар ҳам ҳозирланмоқда. Бу борадаги ишлар поёнига етса, туғма нуқсонли болаларга тиббий муолажа кўрсатиш хизмати янада яхшиланади.

Расул КАМОЛ

СОҒЛОМ ТАНДА — СОҒ АҚЛ

Бугун мамлакатимизда қатор соҳалар каби тиббиётни ривожлантириш борасида ҳам талай ишлар амалга оширилмоқда. Унинг негизида халқимиз саломатлигини кўз қорачиғидек асраш, ўсиб келаётган ёш авлоднинг мукаммал ривожланиши, тўрт мучали соғ бўлишига эришишдек улуғ мақсадлар мужассам. Самарқанд вилоятининг Ургут туманида эл соғлигини сақлашдек муҳим ишни сидқидилдан адо этаётган саломатлик посбонлари кўпчиликни ташкил этади. Буни биз Ж.Мирзаев номи билан юритилувчи Ургут тумани марказий шифохонасида бўлганимизда тўла ҳис этдик.

Марказий шифохона 445 ўрнига мўлжалланган бўлиб унинг таркибида ҳозир 3 та шифохона, иккита юқумли касалликлар касалхонаси, силга қарши, диспансер, поликникалар фаолият кўрсатмоқда. Туманда 35 дан ортиқ қишлоқ врачлик пункти, 5 та қишлоқ врачлик амбулаторияси, 27 тадан зиёд фельдшер-акушерлик пункти аҳолига беминнат хизмат кўрсатаяпти. Уларда 460 нафар олий маълумотли врач, 1629 нафар ўрта тиббиёт ходими ишлаяпти.

Ўтган даврда тиббиётдаги қулайликларни яхшилаш, аҳоли саломатлиги назоратини кучайтириш мақсадида Фўс қишлоғида қишлоқ врачлик пункти ишга туширилди. Испанза ва Тегана-бегим қишлоқ врачлик пунктларининг ҳар бирига 14 миллион сўмликдан ортиқ тиббиёт асбоб-ускуналари грант асосида олиб келинди.

— Соғлом оилани шакллантириш асосий вазифамиз — дейди Ургут туман Марказий шифохонаси бош врачи Фармон Азизов. — Асосий поликникамиз қошида репродуктив саломатлик маркази ташкил этилган. Унда 2750 нафардан ортиқ оила қураётган ёшлар тиббий кўрикдан ўтказилди. Уларга оила камоли билан боғлиқ таклиф-мулоҳазалар берилиб, йўл-йўриқлар кўрсатиляпти. Бу эса соғлом оилани шакллантиришга, келажагимиз ворисларининг соғлом бўлишини таъминлашга йўл очмоқда. Учта кўчма тиббий гуруҳ ташкил этганмиз. Гуруҳ аъзолари туғиш ёшидаги аёллар билан яқиндан ишлашмоқда. 56 та маҳаллада хотин-қизлар қўмитаси, маҳаллий ташкилотлар раҳномалигида саломатликни мустаҳкамлаш борасида тарғибот-ташвиқот ишлари амалга оширишмоқда. Тиббиёт ходимлари ишни халқ таълими билан ҳамкорликда олиб бормоқда. Ҳар бир мактабда тиббиёт хоналари мавжуд.

Ўқувчилар орасида ташкил этилган 16 соатлик дарс ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзини шакллантиришга йўл очмоқда.

Олим ҲАКИМОВ,
«Адолат» мухбири

Суд-ҳуқуқ ислоҳоти

«ДАЛИЛЛАР ҲАҚИДА» ДАДИЛЛИК САРИ

Маълумки, ҳар қандай жиноят ишида далил ва унинг мақбуллиги энг бирламчи аҳамият касб этувчи омилки, мазкур масала юзасидан юзага келаётган турли мавҳумотликларга ойдинлик киритиш аллақачон кун тартибига чиққанди. Эндиликда эътироф билан таъкидлаш керак, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми далиллар мақбуллиги масаласига оид Қарори билан турли тушунмовчиликларга ойдинлик киритди. Зеро, «Судлар тўғрисида»ги қонунга мувофиқ (17-модда), Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми «...қонун ҳужжатларини қўллаш масалалари бўйича тушунтиришлар бериш» ваколатига эга. Ушбу қонуннинг 21-моддасида эса «...Олий суд Пленумининг тушунтиришлари судлар, ушбу тушунтиришлар берилган қонун ҳужжатларини қўллаётган бошқа органлар... ва мансабдор шахслар учун мажбурийдир».

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг **«Далиллар мақбуллигига оид жиноят-процессуал қонуни нормаларини қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида»**ги Қарори чиққанига ҳали кўп бўлгани йўқ. У 2004 йилнинг 24 сентярида қабул қилинган, Демак, мазкур ҳуқуқий ҳужжат амалиётга жорий этила бошланганига бор-йўғи беш ой бўлмоқда. Ушбу муддат айни масалада суд амалиётини умумлаштириб, узил-кесил хулоса ясашга камлик қилса-да, ҳозирданоқ ижобий ҳосила бера бошлаганига гувоҳ бўлиш мумкин. Бу борада реал мисолларга мурожаат этишни яқин келажакка қолдириб, Қарорнинг аҳамияти, унинг қабул қилинишига сабаб бўлган эҳтиёж ва бошқа масалалар хусусида сўз юритганимиз маъқулдай... Қолаверса, қалам тутишдан мурод Қарорни дастак қилган ҳолда яқин ўтмиш суд амалиётини ур калтак-сур калтак қилиб, келажак хусусида бўрттириброқ башорат қилиш эмас, балки **далиллар мақбуллиги** бўйича жиноят қонуни нормаларини қўллашда ўзига хос дастуруламал бўлган ушбу ҳуқуқий ҳужжатни имкон қадар тарғиб ва ташвиқ этишдир. Зотан, ҳуқуқий тарғибот, фуқароларнинг ҳуқуқий маданиятини шакллантириш бугунги кунда давлат сиёсати даражасига кўтарилган.

Гапни ушбу ҳуқуқий ҳужжатнинг кичкина қиррасидан бошласак. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг **«Далиллар мақбуллигига оид жиноят-процессуал қонуни нормаларини қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида»**ги қарори ҳажман унча катта эмас. Нари борса тўрт қоғозга жо бўлган қарор бор-йўғи тўққиз банддан иборат. Унинг 1-бандида Ўзбекистон Республикаси жиноят-процессуал Кодексининг 11-моддасида мустаҳкамланган қонунийлик принципига қатъий риоя этилиши шартлиги яна бир бор таъкидланган бўлса, 2-бандида жиноятни исбот қилиниши жараёнида далилларнинг мақбуллиги муҳим ўрин тутишига урғу берилади. Қарорнинг энг катта — 3-бандини ушбу ҳуқуқий ҳужжатнинг ўзак томири дейиш мумкин. Негаки, унинг нақ ўн беш (!) қисмида далиллар номақбул деб топилишига олиб келувчи ҳолатлар тартибга солинган. Қолган 6 та банд нисбатан қисқа бўлса-да, унда соҳа вакиллари зиммасига юкланаётган масъулият а-анча залворли.

Эътиборлиси Пленум қарорида асосий урғу жиноят ишлари бўйича далиллар қандай ҳолатда мақбул деб топилиши эмас, аксинча, қандай ҳолатларда **номақбул деб топилишига** берилган. Бунинг сабаби оддий ва жиддий: бош Қомусимиз — Ўзбекистон Республикаси Конституциясида айбсизлик презумпциясига амал қилиниш алоҳида таъкидланган. ЖПК 23-моддасида эса айни норма атрофлича ва кенгроқ баён этилган: яъники, гумон қилинувчи, айбланувчи ёки судланувчи ўзининг айбсизлигини исботлаб бериши шарт эмас, марҳамат, унинг қилмишини исботлаб қўйинг, албаттаки инкор этиб бўлмайдиган далиллар билан!

Кўринадики, жиноятни исботлаш жараёнида далиллар ҳал этувчи омил ҳисобланади. Шу боис ҳам ЖПКдаги жами 586 та модданинг 126 тасида бевосита «далил» масаласи зикр этилади. Айни ҳолат ушбу қонун ҳужжатларини қўллаётган орган ходимлари зиммасига катта масъулият юклашни билдирса, иккинчи томондан гумондор, айбланувчи, судланувчи, ҳатто маҳкумнинг ҳам хос ҳуқуқлари кафолатланганини кўрсатади. Шу ўринда савол туғилади: хўш, далиллар тушунчаси, турлари, манбалари, уларни тўплаш, текшириш ва баҳолаш шартлари ЖПК нинг нақ тўртдан бир қисмида тартибга солинган экан, айни масалага оид Олий суд Пленуми қарорига эҳтиёж бормиди?

Албатта, бор эди!

Биринчидан, мамлакатимизда қонун устиворлиги, инсон ҳуқуқларини тугал таъминлашга қаратилган суд-ҳуқуқ ислоҳотлари, шунингдек, одил судлов сифати ва самарадорлигини ошириш аввало ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг мансабдор шахслари ва судьялар масъулиятини янада оширишни тақозо этаётир.

Иккинчидан, қонуннинг қаттиқ тилини ҳамма ҳам бирдек тушунавермайди. Айниқса, нисбатан тажрибаси камроқ суриштирувчи, терговчи, прокурор ва судьяларнинг дастлабки фаолиятида бу ҳол турли тушунмовчиликлар туғдиришининг эҳтимоли катта. Амалиётдан бир мисол. Бундан уч йилча аввал Фарғонада бир воқеа рўй берганди. Уч нафар улфат «кайф» қилиб ўтириб, улардан бири меъёридан кўпроқ «тортворгани» натижасида вафот этади. Бундан қўрқиб кетган шериклари жасадни ярим тунгача сақлаб, ҳамма уйқуга кетгач, каналга ташлаб юборишади. Ўн беш кун ўтиб, мурда сувдан топилиб, суд-тиббий экспертизасидан ўтказилганда марҳум меъёридан ортиқ даражада гиёҳванд модда истеъмол қилингани натижасида вафот этгани аниқланади. Демак, бу ҳолатда қотиллик жинояти йўқ. Жиноят аломати бўлмагандан кейин бўлган воқеани айтиб турган шерикларни энг «дежурный» модда ҳисобланмиш ЖК нинг 241-моддаси (жиноят ҳақида хабар бермаслик) билан ҳам айблаб бўлмайди. Алқисса, «дело» ёпилади. Бироқ марҳумнинг яқинлари мурдани сувга ташлаб юборган шериклар ҳаракатига қонуний баҳо берилмаганидан норози. Айни шу ҳолат прокурор-тергов ходимлари учун чинакам бошоғриққа айланади. Улар марҳумнинг шерикларига нисбатан ЖК нинг 134-моддаси билан иш қўзғатай деса — айблов асоснинг қуввати оздай. Негаки, 134-модда «Қабрни таҳқирлаш» деб номланган, юқоридаги ҳолатда қабр таҳқирланаётгани йўқ. Аммо мазкур модданинг санкциясида «...ёки мурдани таҳқирлаш...» деган қўшимча мавжуд. Ушбу модданинг номланиши («қабрни таҳқирлаш») ва санкциясидаги қўшимча («...ёки мурдани таҳқирлаш») икки орада тушунмовчилик келтириб чиқарган. Агар шу модда билан иш судга оширилса, прокурор «дело» суддан қайтишидан чўчийди. Буёқда марҳумнинг яқинлари ёза-ёз қилиб ётибди... Охир-оқибат юқорида кўрсатилган модда бўйича иш қўзатилдику-я, бироқ бунгача турли иккиланишлар, мунозаралар кў-ўпчиликнинг асабини қақшатгани айтишгагина осон.

Ушбу мисол қонундаги **биргина сўз** (наинки жумла?) нечоғли аҳамият касб этишини кўрсатиб турибди. Жиноятлар, турига қараб шунақанги мураккаб, серқиррали бўладики, уларни нафақат очиш, балки далиллар билан исботлаш нечоғли мураккаб жараён эканини ҳисобга олсак, далиллар мақбуллиги ҳақидаги қонун нормаларини қўллаш бўйича тушунтиришларга ҳамиша эҳтиёж сезилиши яна бир бор ойдинлашади.

Учинчидан. Очиқ эътироф этиш керак, тергов жараёнида ноқонуний усуллардан фойдаланиш, уриш, қийнаш каби ҳолатларни йўқ деб бўлмайди. Бу ҳақда Президентимиз ҳам ўз вақтида «Терговни зўравонлик билан олиб бориш, яъни олдин ҳибсга олиб, жамиятдан ажратиб, кейин унинг айбини исботлашга киришишдек ўтган замондан қолган ярамас тажрибага ҳали-ҳануз барҳам берилмаган» дея куйиниб гапирган. Айниқса, оғир жиноятларни очишда айрим тезкор-тергов ходимлари баъзан қўллайдиган одат борки, у қуйидагича: дейлик, қотилликда гумон қилинаётган(лар)нинг хонадонигами-машинасигами гиёҳванд модда ташланиб, қўлга олинади. Агар қотилликдаги гумон ўз тасдиғини топса — нур устига аъло нур, мабодо, исботланмаса «ташланган наркотик» бўйича жазо олиб кетавериши мумкин. Бу ҳолатни қонунийлаштиришнинг чораси ҳам топилган гўё... «Далилий ашё»ни олиш, кўздан кечиришда иштирок этган холислар аксарият ҳолларда тезкор-тергов ходимлари томонидан ёлланган шахслар бўлади. Гумондор вой деса ҳам, дод деса ҳам қўлидан ҳеч нарса келмайди: «холислар» кўргазма бериб турганда шўрлик нима ҳам қила оларди?! Ана, яқинда телевидение орқали шундай «қўлбола жиноят»лар ясаб юрган айрим орган ходимларининг «фаолияти» фош этилди. То уларнинг қилмишлари фош этилгунча қанча одамлар ноҳақ жабр чекканини тасаввур қилиш учун катта ақл шарт эмас.

Шунга қарамай, Олий суди Пленумини мазкур қарори юқорида санаб ўтилган учта омилнинг ҳосиласи ўлароқ қабул қилинди дейиш ҳам унчалик тўғри бўлмас. Ушбу ҳуқуқий ҳужжатнинг асоси сўзсиз қонунийлик принципига қатъий риоя этилишига қаратилган, зеро, усиз одил судловни тасаввур этиб бўлмайди. Пленум қарори қонунийликни таъминлаш баробарида юқорида санаб ўтилган муаммоларга барҳам беради. Хўш, қандай? Бугунги кунда, айниқса, дастлабки тергов жараёнида жиноят-процессуал қонуни нормаларини қўллашда асосий муаммо бўлаётган нарсаларнинг баъзилари хусусида тўхталайлик.

Муайян жиноятни содир этишда гумон қилинаётган шахс ҳали тузукроқ сўроқ қилинмай туриб, унинг хонадони ёхуд хизмат хонасини тинтув қилишга тушилади. Бу жараён баъзан прокурор рухсатисиз, энг ёмони тезкор-тергов ходимлари томонидан «ёлланган холислар» иштирокида амалга оширилади. Бундай ҳолат холислик, қонунийлик тамойилига путур етказмаслигига кафолат йўқ даражада. Боз устига, айни жараёнда топилган далилий ашё нечоғли ишончга сазоворлигидан қатъий назар, гўёки мақбул далил сифатида «дело»га тиркаб қўйилаверилади. Пленум қарорида шу ва шу каби ҳолатларни тартибга солиш хусусида қатъий тушунтиришлар берилган. Яъни прокурор, терговчининг ёзма топшириғисиз, тергов ҳаракати ўтказилмасдан аввал ёки қонунда назарда тутилган қоидаларга амал қилинмаган ҳолда далилларни тўплаш ҳаракати амалга оширилса, шунингдек, прокурор санкцияси олиниш шарт бўлсада, рухсат олмасдан ёхуд тергов ҳаракатида холис сифатида иш бўйича манфаатдор шахс ёки жамоатчилик асосида кўмаклашувчи бошқа шахсларнинг иштирокида олинган далиллар **номақбул деб топилиши** аниқ-равшан белгиланган. Бу, «ёлланма холислар» хизматига имконият қолмаётганини кўрсатади. Бундан ташқари, ҳимоячининг иштироки шарт бўлган ҳолларда унинг иштирокисиз кўргазма олиш ёки айбланувчи (гумондор, судланувчи) қариндошларининг ўз розилигисиз унга тегишли ҳолатлар юзасидан ҳам сўроқ қилинишини қонун оқламаслиги яна бир бор қарорда таъкидланади. Бу — терговчи нари-бери тергов ҳаракатини ўтказиб, «дело» тайёр бўлгач, «ўзига қарашли» адвокатга тегишли ҳужжатларга имзо қўйдириб, гўёки айбланувчининг ҳимоя ҳуқуқини таъминлагандек таассурот қолдирувчи ҳаракатларини кескин чеклашини англатади. Пленум қарорида нафақат далиллар тўплаш ёки текшириш жараёнидаги, ҳатто далилларни **қайд этишнинг процессуал формаси бузилса ҳам,** тергов ёки суд ҳаракатларида иштирок этувчи шахсларга оид **маълумотлар йўқ бўлса ҳам** улар (далиллар) **номақбул** деб топилиши уқтирилади. Яъни аслида ўзи йўқ бўлган шахсларни процессуал ҳаракат жараёнида гўёки иштирок этди, дея хаёлга келган исм-шарифлар ёзиб, шунга монанд гажакдор имзолар қўйиб, кейинчалик улар судга чақирилгудек бўлса, фалон вилоятдан бўлса керак, манзилини аниқ билмаймиз, деб сувдан қуруқ чиқиш имкониятлари йўққа чиқарилмоқда. Алоҳида таъкидлаш жоизки, қийноққа солиш, зўрлик ишлатиш орқали олинган кўрсатувлар, агар у «айбига иқрорлик» кўрсатуви бўлиб, уни ҳатто алдаш йўли орқали амалга оширилса ҳам мутлақо қонунга хилоф экани Пленум қарорида алоҳида акс этган. Бундай таъкид такрор қайтарилиши бежиз эмас, албатта. Қонунчиликка кўра, «айбига пушаймонлик» бошқа, «айбига иқрорлик» бошқа тушунчадир. Баъзан ана шу икки тушунча аралаш-қуралаш қилиб юборилади, айниқса терговда айбига гўёки иқрор бўлган шахс худдики қилмишига пушаймон бўлиб, «чин дилдан кўргазма берган» бўлиб чиқади. Бундай кўргазмалар алдов йўли билан қўлга киритилгани аён бўлса-да, айблов ҳукми чиқарилавериш ҳолатлари йўқ эмас. Қарорда айни ҳолатга алоҳида урғу берилишининг боиси шунда бўлса эҳтимол.

Албатта, битта мақолада Олий суд Пленуми қарори хусусида атрофлича тўхталиш имконияти озроқ. Шу боис ҳам қарорнинг **далиллар номақбул** деб топилиши юзасидан берган тушунтиришларининг айримлари хусусида мухтасаргина тўхталишга ҳаракат қилинди. Шу ўринда мазкур ҳуқуқий ҳужжатнинг соҳа вакиллари (терговчи, прокурор, судья) зиммасига юклаган масъулиятлари ҳақида ҳам икки оғиз гапирмасак бўлмас.

Қарорнинг 5-бандида шундай дейилган: «Тергов органлари ва судлар шуни эътиборга олишлари лозимки, иш бўйича ҳар қандай қарор қабул қилишда, шу жумладан, айблов хулосаси ва ҳукмда номақбул далилларга асосланиши мумкин эмас». Ушбу тушунтириш изоҳ талаб қилмайди. Бироқ ушбу банднинг иккинчи қисми баёни жуда муҳим нарса — тергов ва суд жараёнидаги ортиқча сансалорликнинг олдини олишга қаратилгани билан муҳимдир. Унга кўра, **«...номақбул деб топилган далилларни тиклаш имконияти бўлмаган ҳолларда суд ишни қўшимча тергов юритиш учун қайтармасдан, тўпланган далиллар мажмуидан келиб чиққан ҳолда ишни мазмунан ҳал этиши керак».** Тажрибадан маълум, баҳсли айблов билан жавобгарликка тортилаётган шахснинг иши кўп ҳолларда қўшимча терговга қайтарилади. Бу бир қарашда қонуний ҳол, албатта. Бироқ амалиётда шундай ишлар ҳам йўқ эмаски, оқлов ҳукми чиқариш эҳтимоли катта бўлган «дело» юзасидан ҳам судьялар бундай суд актлари қабул қилишга доим журъат этавермайди. Энг яхшиси — ишни қўшимча терговга қайтариш. Яъники оч қорним, тинч қулоғим! Айни жараённинг сансалорликка олиб келиши нимада? Табиийки, ишнинг қўшимча терговга қайтишини айблов хулосани тасдиқлаган прокурор хурсандчилик билан кутиб олмайди. Дарров протест ёзилади. То протест юқори инстанцияда кўриб чиқилгунча камида бир-бир ярим ой (агар ундан кўп бўлмаса) вақт ўтади. Протест қаноатлантирилса-ку, хўпа-хўп, агар рад этиладиган бўлса, то «дело» прокурор қўлига тушиб, у терговчига топширгунча яна вақт йўқотилади. Бу ҳол эҳтиёт чораси очиқда бўлган судланувчи учун бир азоб бўлса, ҳибсдаги шахс учун ўн азоб. Боз қўшимча терговга қайтарилган «дело» аксарият ҳолларда яна аввалги терговчига топширилишини инобатга олсак, воқеаларнинг кейинги ривожини тасаввур қилиш қийин эмас: терговчи енг шимариб ишга киришадики, барча ҳаракат нима қилиб бўлса ҳам «иш»ни суддан ўтказишга қаратилади. Бундай вазиятда айбланувчига қўйилган айбловнинг муайян қисми тугатилишидан кўра қўшимча айбловлар тиркалишининг эҳтимоли катта. Бу жараёнлар а-анча вақт талаб этадики, унинг жабрини айбланувчи тортади, холос. Бу ўринда тергов сифати хусусида гапириш ортиқча.

Пленум қарорининг кейинги учта бандида қонун бузилиши оқибатида олинган далиллар фақат суд томонидангина эмас, терговчи, прокурор томонидан ҳам номақбул деб топилиши мумкинлиги, шунингдек, суд далилни номақбул деб топганда уни далиллар мажмуидан чиқариш ҳақида қарор қабул қилиши ва бу ҳақда ҳукмнинг тавсиф қисмида кўрсатиши лозимлиги бўйича процессуал ҳаракатлар хусусида тушунтиришлар берилган. Булар шундоқ ҳам тушунарли бўлгани боис, ортиқча тафсилот шарт эмас.

Пленум қарори охирги бандида таъкидланадики, суд далилларни тўплаш, текшириш ва баҳо бериш жараёнида жиддий қонун бузилишига йўл қўйилгани аниқланган тақдирда бунга хусусий ажрим чиқариш орқали муносабат билдириши, зарур ҳолларда Жиноят кодексининг мансабдорлик ёхуд одил судловга қарши жиноятлар учун жавобгарликни назарда тутувчи моддалари бўйича жиноят иши қўзғатиш масаласини ҳал этишлари шарт! Яъники, сифатсиз тергов қилинган ишларни нафақат қўшимча терговга қайтариш, балки ишни мазмунан ҳал этиш баробарида, суриштирув ёки дастлабки терговни олиб борганларга нисбатан хусусий ажрим чиқариш, шунингдек, зарур ҳолларда бундай «дело»ни «ижод» қилганларнинг жиноий жавобгарлик масаласини ҳал этиш шарти алоҳида тушунтирилмоқда. Энди тасаввур қилайлик: ишни қўшимча терговга қайтарилиши терговчи учун жуда юмшоқ айтганда каатта минус. Агар иш қўшимча терговга қайтарилиб, шу баробарида хусусий ажрим чиқарилса терговчи камида «ҳайфсан» олиши муқаррар. Хўш, «дело»си қўшима терговга қайтарилишини ҳазм қилишга одатланмаган мансабдор ўз устидан чиқарилган хусусий ажримга муносабати нечоғли бўлиши мумкин? Агар унинг жавобгарлик масаласини ҳал этиш мақсадида суд жиноят иши қўзғатса-чи? (Эътибор берсангиз, Пленум қарорида судлар айни масалаларни ҳал этиши «мумкин» дейилаётгани йўқ, балки узил-кесил «шарт» қилиб қўймоқда!) Бундай вазиятлар табиийки, судлардан катта салоҳиятгина эмас, шунга яраша жасорат ҳам талаб қилади.

Президентимиз таъбири билан айтганда, яхши қонун қабул қилиниши бу — ишнинг эллик фоизи демакдир, қолгани унинг сифатли ижросига боғлиқ. Шу маънода Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг ушбу қарори шахснинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликлари, даҳлсизлиги кафолатланган қонун нормаларини сифатли татбиқ этиш бўйича дадил амалий ҳаракатдир. Бу борадаги ишлар самарадорлигининг янада ошиши Юртбошимиз Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисида эътироф этганларидек «...биринчи галда судларнинг ҳақиқий мустақиллиги ва эркинлигини таъминлаш билан боғлиқдир». Шунингдек, Президентимиз ушбу маърузасида бугунги кунда жиноий ва процессуал қонунчилигимизнинг дастлабки тергов ва судгача бўлган жараён устидан суд назоратини кучайтириш билан боғлиқ айрим қоидаларни қайтадан кўриб чиқиш зарурияти вужудга келганини ҳам алоҳида таъкидлади.

Маълумки, ҳар қандай ислоҳотлар мустаҳкам ҳуқуқий асос ва энг муҳими фуқароларнинг фаоллигисиз кутилган самарани бермайди. Шу нуқтаи назардан ўтказилаётган суд-ҳуқуқ ислоҳотларининг ҳозирги босқичи муайян қонун-қоидаларга ўзгартиришлар киритишни тақозо этган экан, бунда фуқаролар фаоллигини янада ошириш, ўз ҳақ-ҳуқуқларига нисбатан даъвогарлик ҳиссини кучайтириш мақсадида қатор қонунлар қабул қилинишига эҳтиёж бордай. Хусусан, мақоламиз мавзуидан келиб чиқсак, тезкор-қидирув фаолиятни тартибга солувчи ҳуқуқий ҳужжат қабул қилиниши мақсадга мувофиқдир. Шу баробарида, фуқароларнинг суриштирувчи, терговчи, прокурорнинг ноқонуний қарор ва хатти-ҳаракатлари устидан судга шикоят қилиш ҳуқуқи тезкор-қидирув фаолиятини тартибга солувчи ҳуқуқий ҳужжатда, шунингдек, амалдаги «Прокуратура тўғрисида»ги қонунда ҳам ўз ифодасини топмоғи лозим. Зеро, Ўзбекистон Республикаси Конституциясида (44-модда) ҳар бир шахс ўз ҳуқуқ ва эркинликларини суд орқали ҳимоя қилиш ҳуқуқи алоҳида зикр этилган. Шу боис, бу масалалар бўйича Жиноят процессуал кодекси ва бошқа тегишли қонунлар, меъёрий ҳужжатларга ҳам зарур қўшимчалар киритиш заруратн борга ўхшайди.

Турсунали АКБАРОВ,
журналист

14 февраль — Заҳириддин Муҳаммад Бобур туғилган кун

ҚЎРҒОНИ БОР ЭЛ ХОР БЎЛМАС

Олам яралгандан буён инсоният фақат синовлар ичида умргузаронлик қилди. Худди бошқа тайинли иши ёхуд тайин тирикчилиги йўқдай. Дунёга не-не пайғамбарлар, авлиё-анбиёлар, даҳолар келибкетдиларки, ҳаммаси ҳаёт синовларидан айри ҳолда яшай олмади. Тўғри, баъзи кимсалар ўзларича ҳаёт тарзини, фақат ўзлари ўйлагандек яшаш кўникмасини шакллантиришга уриниб кўришди. Хусусан, фиръавнлар тутган йўлда шундай ақида бор эди. Бироқ вақт аталмиш одил ҳакам бундай уринишларнинг бемаврид юмуш, беҳуда орзу эканлигини тезда исботлаб қўя қолди.

Бу дунё — синов майдони. Унинг имтиҳонидан Искандардек ярим дунёни эгаллаган жаҳонгир ҳам муваффақиятли ўта олмади. Бироқ умри поёнидагина хатосини тўғрилади — дорилбақога қўллари очиқ ҳолда кетди... Ундан шу Ибратгина қолди.

Бир қарасанг, буюклик ҳам касалликка ўхшайди. Зеро, қайси бир тарихий шахс ҳаётини ўрганма бир нуқсони чиқаверади. Беихтиёр "беайб — парвардигор" дейсану чувалашган ўйларингни тизгинлашга муваффақ бўлгандек енгил тортасан киши.

Аммо мозий зарварағида нисбатан бенуқсон кўринадиган, аниқроғи, нуқсонлари ҳам фазилатдек туюладиган бир зот бор. Яъни буюк шоҳ ва шоир Заҳириддин Муҳаммад Бобур шахсиятига доир тарихий чизгилар инсоният бунёд этган энг намунали ибрат йўлларига ўхшаб кетади. Аввало унинг орияти ҳар қандай ташбеҳу таҳсинлардан юқори туришини ҳеч ким инкор эта олмайди. Ота сифатидаги меҳрибонлиги-чи!? Фарзанди бошига келган бало-қазони ўз бўйнига олишдек мардонаворлик фақат китобларда учрайдиган тўқима сюжет эмаслигини жаҳонгашта романнавислар билишармикан?! Ёхуд ўз қўшинидан ўн чандон кўп лашкарга эга бўлган (у пайтларда аскар сони катта аҳамият касб этган) рақибга қарши жанг майдонига тушишдан олдин уч кунлаб яратгандан беадад мадад тилаб, муродига етишдек улуғвор шарафга яна ким мушарраф бўлган?! Ёинки, ота юрти — Андижондан олиб борилган қовун, Бобурнинг ўрнида бошқа шахс бўлганида, йиғлатиш "бомба"си бўлармиди?! Асло йўқ, албатта.

Чунки бундай инсоний сифатлар ботинида шоҳлик илтифотларидан ҳам, шоирлик хусусиятларидан ҳам нафисроқ ва мукаммалроқ ҳиссиётлар мажмуаси бўлганки, уни ифодалашга нафақат камина, ҳатто сўз ожиз.

Мен "Бобурнома"ни ёшлигимдан ўқигандим, такрор-такрор ўқир эдим, ҳар гал жуда кам тушунганман. Лекин ундаги бетакрор жозиба ҳамиша ўз бағрига чорлайверарди, мен эса бу "кўҳна музей" томошасини бот-бот қўмсар эдим. Шубҳам йўқки, ҳамма китобхон ҳам (бобурхонлар ҳам) мендек эмас.

Дарвоқе, менинг эрта бошланган қизиқишларимнинг бошқа сабаби бор. Гап шундаки, эсимни таниган пайтларда отам, акамлар ва ҳамқишлоқлардан "Бобурнинг қўрғони" ҳақида унда-бунда эшитиб юрардим. Масалан, "тоғдан қайтишда "Бобурнинг қўрғони" даги энишда отим қийналди, пиёда эндим" каби гаплар табиатан одамлар тилида учраб турарди.

Энди кейинчалик англаб етган воқеликларни айтиб ўтишга тўғри келади. Биз яшайдиган маскан тоғли Деҳқонобод туманидаги Оқработ қишлоғи бўлиб, у ўртасидан оқиб ўтадиган кичиккина дарё бўйлаб ўн икки чақиримдан зиёд чўзилган, қоқ белидан М-39 рақамли Тошкент — Термиз магистраль йўли кесиб ўтган. Бизнинг уй шу йўлнинг тоғ тарафида, оралиқ бир чақиримдан ортиқроқ, сўнгра етти чақиримча масофада жойлашган Дара қишлоғи бошланади. Ўзиям дарамисан-дара-да, номига яраша:тахминан кенглиги ўттиз беш одим, баландлиги ўн-ўн беш метр келадиган оғзидан ўрлашингиз ҳамоно кенгайиб бораверади, энг кенг жойи — ўртаси, башарти ўнг қанотга қараб тирмашсангиз ярим кун деганда қоя устига чиқишингиз мумкин — ғоят тик ва виқорли. Даранинг ярмигача дарё ёқалаб одамларнинг бошпаналари шундоқ қоялар этагида, ўнғайроқ жойларни банд этган. Тоза тоғ суви — Булоқ Ота ҳамда ям-яшил арчалар жону танга ором бахш этади. Йўл давом этади, то дара бошига — дарё бошланган жойга боргунча ўнқир-чўнқир, кескин бурилишли йўлдан юришга тўғри келади. Айниқса охирги бир-бир ярим чақирим қисмида фақат пиёда ёки от-уловда юриш мумкин.

"Бобурнинг қўрғони" деган жой ана шу Дара бошланиш қисмининг ўнг томонида, ўттиз-қирқ метрлар тик тош қоя (зов) устида жойлашган. Эътибор қилиб қаралса, қибла томонида тош қоянинг кам ётиқроқ қисми девор тарзида тошдан териб чиқилган. Девордан фарқи шуки, ич томони тупроқ билан тўлдириб борилган. Натижада баланд қўрғон ҳосил бўлиб, пастдан ғанимнинг тирмашиб чиқиш имкониятига барҳам берилган. Бу табиий ва қисман тўлдирилган иҳота мазкур қўрғоннинг ярмидан кўпини ташкил этади. Иккинчи томони эса қуюқ арчазор, фақат кун чиқиш томони очиқ ва далага туташиб кетган. Аёнки, мудофаа жиҳатидан ҳам, деҳқончилик билан шуғулланиш ҳамда от-уловларни боқиш учун ҳам ғоят қулай жой бу. Албатта, ҳар томонлама муштарак мақсаддан фойдалана олиш фақатгина Бобурдек зеҳни ўткир саркардага хос фазилатдир.

x x x

Аслида, кечагина таваллуд тўйини нишонлаган буюк бобокалонимиз — сўз мулкининг султони, Ҳазрат Мир Алишер Навоий, юксак дидли шоҳ ва шоир Заҳириддин Муҳаммад Бобур сингари бетимсол даҳоларнинг ҳар бир девони — бузилмас ва завол билмас қўрғондир.

Яқинда "БОБУР ДЕВОНИ Кобул нашрига такмила" деб аталган бир тўплам билан танишишга мушарраф бўлдим. Унда Бобур қаламига мансуб ғазаллар, қитъалар, рубоийлар, маснавийлар, тўртликлар, туюқлар, фардлар, муаммолар, маснуъ шеърлар ва номалар, шунингдек, форсча шеърлар (таржимаси ҳам бор) ғоят нозик дид, теран савия билан тартибга келтирилган.

Тўплам афғонистонлик ҳассос ўзбек олимаси, Бобур халқаро мукофати совриндори Шафиқа Ёрқин томонидан тайёрланган. Академик Азиз Қаюмовнинг таъкидлашича, ушбу тўплам туфайли Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг 195 та янги, ҳозиргача илм аҳлига маълум бўлмаган катта-кичик шеърий асарлари илмий истеъфодага киритилади.

Дарҳақиқат, камина уни катта қизиқиш, зўр ҳафсала билан ўқиб чиқдим. Шундай жозибали ва ҳатто, айтиш мумкинки, оҳорли асарларни ўқиганимдан ич-ичимдан мамнун бўлдим. Шуурий қониқиш ҳосил қилдим.

Хулоса қилишга шошилмайман. Яхшиси, ундан кичик бир "гулдаста" ҳозирладик. Қутлуғ айём арафасида сиз — азиз муштарийларга совға бўлар, деб ўйлаймиз.

Сафар ОЛЛОЁР

ЗАҲИРИДДИН МУҲАММАД

БОБУР

ҒАЗАЛЛАР

Чаманда сарвни ўлтурғузубтурур юруши,
Қиёмате қўпорибтур от узра ўлтуруши.

Мени шикастани қистаб, кўнгулни ғунча қилур,
Қошини четмоғи бирла тор оғзини буруши.

Сўруб ғамимни, тааҗжуб қилиб, лабин тишлар,
Не хуштурур менга ирнини тишлабон сўруши.

Турар рақиб чиройин туруш қилиб доим,
Тили чучук санамим, яхшидурму бу туруши?

Кўрар рақибни доим, хаёл этар мени ғайр,
Не айлагай анга Бобурки ғайрдур кўруши.

* * *

Улки юз Лайливаш онинг ишқидин Мажнундурур,
Хўблар султони Мирзо Қосими Арғундурур.

Тирборонидин ул ҳобукнинг, эй кўнгул, не бок?
Гарчи беҳад тездур, юз шукрким, ўткундурур.

Зуҳд саҳросига тушгум ишқ йўлидин озиб,
Бобури гумраҳни эмди ким бу йўлга кўндурур?

ҚИТЪА

Хуросонга ўн ой тортиб черик Кобул сори ёндук,
Қиш ичра Чихчирон бирламким, ул йўл ваҳми жон олди.

Бу фурсатта киши ўтмойдурур ҳаргиз бу добондин,
Биз ўттук, лек элнинг илик-оёғин совуқ чолди.

Неча кун қор тепиб, муз ёстониб, ташвиш ила кўндук,
Совуқу қор асру беҳад учун эл кўнгул солди.

Жебаю отлари элнинг қолди аксар йўл ёмон учун
бу юрушта зиён кўб бўлди, боре яхши от қолди.

РУБОИЙЛАР

Бобурки демас ҳар кишига ҳар сўзини,
Элчинга деди вале саросар сўзини.
Султонали ар сўзум сенга деса, не тонг,
Оре, лақу дақ дегай қаландар сўзини.

* * *

Кўнглумғи, эрур куёш киби юзунго,
Йил ўтдию, келмади бу сори ул моҳ.
Тил бирла кўнгул ишқ аро бир қилдиму бас,
Ер оғритти ғамин кўнгулни аммо.

МАСНАВИЙЛАР

Кўнгулга дарду ғамни не ёвутай?
Узумни ову қуш бирла овутай.
Жаҳоннинг аҳлидин узгил тамаъни,
Бу олам ичра бўл озода, яъни.

* * *

Эй қодири баркамол, тангрим,
Вэй қоҳири зулжалол, тангрим.

Эй берғучи биру бор, тангрим,
Вай олғучи ғирудор, тангрим.

Бўлмас сифатингни деса, нечун?
Ким борсен, эй худой, бечун.

Ар туффроқ эрур камолинг андин,
Афзунроқ эрур жалолинг андин.

Ўзбек адабиётининг буюк намоёндаларидан бири, машҳур адиб — Ойбек қозоқ адабиётининг ҳам энг яқин дўсти, қозоқ ижодкорларининг ҳамкасб қадрдони, қозоқ китобхонларининг ардоқлаб ўқийдигин қалам соҳибларидандир. Шунинг учун ҳам истеъдодли ижодкор Ўтабой оға Тўрмонжонов "Ойбек ўзбек халқига қандай севимли ёзувчи бўлса, қозоқ халқига ҳам ана шундай севимли ёзувчидир", деган эди.

Ойбек қозоқ адабиётининг улкан сиймолари бўлмиш Мухтор Авезов, Собит Муқанов, Ғабит Мусрепов, Ғабиден Мустафин, Абдулла Тожибоев, Қалижон Бекхожин каби қалам соҳибларининг ҳамкасб қадрдони, яқин дўсти эди. Улар билан анжуман ва маросимларда тез-тез учрашиб, адабиётларнинг ўзаро алоқалари ҳақида, ўзбек, қозоқ халқларининг дўстлиги тўғрисида фикр алмашиб турар эдилар. Бу борада Собит Муқановнинг "Мен эллик ёшга тўлганимда, Ойбек махсус Тошкентдан келиб, юбилей тантанамга иштирок этди. Ўша кунлари мен уни Алматидаги Медеу чўққисининг берги томонидан "Горельник" деб номланадиган турбазага олиб бордим", деган сўзларини келтириш мақсадга мувофиқдир. Шунда иккала ижодкор Алмати ўзани бўйлаб келаётиб, катта тошга дуч келади. Собит оға ўша тошни Ойбекка "Бу сизга мендан совға", деб ҳадя қилади. Шунда Ойбек қўлини кўксига қўйиб: "Қабул қилдим, минг бор раҳмат. Бу тошни халқларимизнинг бузилмас дўстлигининг рамзи деб биламан" деган экан.Чақноқ кўзларини тошга тикканча, болалардек севиниб.

Сана

ОЙБЕК ВА ҚОЗОҚ АДАБИЁТИ

Маълумки, Ойбек 1957 йили қадрдон дўсти Мухтор Умархон ўғли Авезовнинг 60 йиллик тантанасида иштирок этиб, у ҳақида ўзининг "Табрик" номли шеърини ўқиган бўлса, матбуотда "Адабиёт байрами" номли мақоласини чоп эттиради. 1962 йили Қозоғистонда ўтказилган ўзбек адабиёти ва санъати ҳафталигига ҳам ташриф буюрган эди. Ана шунда икки халқ қалам соҳиблари билан санъаткорлари "Қизил Ғайрат" номли колхоз ўтовида қимиз ичиб, қизиқчилик қилиб ўтиришганда Собит Муқанов қўлига дўмбира олиб, хилма-хил ўланлар айтади. Ғоят тўлқинланиб кетган Ойбек, ўзининг "Улуғ дўстлик" номли шеърини ўқиб, қозоқ ижодкорларини ҳайратда қолдиради. Ўшанда адибнинг шеъри бепоён қозоқ далалари узра жаранглаб, шеърият мухлислари қалбига ором бахш этганди.

У ҳозирги Жанубий Қозоғистон вилоятидаги Қазиғурт тоғ бағрида яшовчи қозоқлар орасига отаси Тошмуҳаммад билан тез-тез бориб, у элнинг турмуши билан танишади. Дўмбира жўрлигида ўланлар, терма ва ашулалар айтган қозоқ оқинлари, қиз-йигитларнинг айтишувларини кўради. Эртак, афсоналар, қисса ва достонлар тинглайди. Натижада 1934 йили қозоқ халқ оғзаки ижод дурдоналари асосида ўзининг "Бахтигул ва Соғиндиқ" номли поэмасини яратади. Асарда тошкентлик савдогарга чўри сифатида сотилган гўзал қозоқ қизи Бахтигул билан оқин йигит Соғиндиқ ўрталаридаги самимий муҳаббат кенг акс этган. Улар муҳаббатига тўсқинлик қилган қозоқ бойи Отабой асарда ўзига хос хусусиятлари билан тасвирланган. Ҳар иккала ёшнинг соф муҳаббатини поймол қилиб, зўравонлик кўрсатган бой поэмада алоҳида нафрат билан гавдалантирилган. Шоир бой қиёфасини:

Оломовут отда Отабой мағрур,
Барзанги қомат, йўғон, калладор,
Намат қалпоғи остидан сузур
Қийиқ кўзлари мудроқ ва айёр.

деб, моҳирона ифодалайди. Шунинг учун ҳам Ўзбекистон Фанлар Академиясининг мухбир-аъзоси, адабиётшунос олим Матёқуб Қўшжонов: "Бу портрет белгиларига қараб рассом типик қозоқ бойининг суратини чиза олди ва биз уни юзлаб портретлар орасидан адашмасдан таниб олар эдик", деганида бутунлай ҳақлидир.

Ойбекнинг қозоқ халқи ҳаётига теран кириб бориб, эл турмушини, тили ва тақдирини кенг ва мароқли тасвирлаши 1963 йили чоп эттирган "Болалик" асарида ҳам алоҳида намоён бўлган. Асарда ўзбеклар билан қозоқларнинг ёнма-ён яшаб аралаш ҳаёт кечирганликлари, доимо бир-бирига кўмак қўлини чўзишган, қон-қардош халқ эканлиги турли лавҳа ва эпизодларда алоҳида меҳр билан акс эттирилган. Қозоқ адабиётининг яқин дўсти Ойбек асарларини қозоқ халқи ҳам ўз она тилларида севиб ўқимоқдалар. Бу борада 1949 йили Алихон Сулейменов таржимасида чоп эилган "Навоий", 1963 йил моҳир таржимон ва драматург Қалтай Муҳаммаджонов томонидан ўгирилган "Қутлуғ қон" номли монументал асарлари ва Кубей Сейдаханов таржима қилган "Болалик" асарини эслаш кифоя.

1960 йили серқуёш Ўзбекистонда қозоқ адабиёти ва санъати ҳафталиги муносабати билан Қозоғистон Давлат бадиий адабиёт нашриёти чоп эттирган "Ўзбек шеърлари", "Қардош куйлари", шунингдек, 1972 йили қардош қозоқ диёрида ўзбек адабиёти ва санъатининг ўн кунлиги ўтиши муносабати билан "Жазуши" нашриёти чиқарган "Мушоира" номли ўзбек шоирларининг шеърлар тўпламида ҳам Ойбек шеърлари кенг ўрин олган. Шоир шеърларини қозоқ китобхонларига етказишда Қалижон Бекхожин, Айитбой Хонгелдин, Абираш Жамиев, Жумекен Нажмидинов, Қайрат Жумағалиев, Шамил Мухаммеджановларнинг хизматлари таҳсинга сазовордир.

Машҳур прозаик, ажойиб шоир ва катта олим — Ойбекнинг Қозоғистонда ғоят ардоқланиб, қозоқ халқининг ўз ижодкорлари каби кенг шуҳрат қозонганлигидан унинг 60-70 йиллик юбилей тантаналари қозоқ диёрида ҳам ўтказилди.

Бу ўринда ажойиб ижодкор Ўтебой Тўрмонжоновнинг "Ойбек олтмишда", "Талантли қалам соҳиби", ажойиб прозаик Абиш Кекилбоевнинг "Бизнинг Ойбек", шоир ва олим Буркут Исақовнинг "Ойбек оға олтмишда", филология фанлари доктори, профессор Хасен Адибоевнинг "Бизнинг Ойбек" каби мақолаларини эслаш мақсадга мувофиқдир.

Бу албатта,қозоқ халқи ва унинг ижодкор зиёлиларининг Ойбекка бўлган меҳр-муҳаббатининг ёрқин самарасидир. Чунки Ойбек асарларини ўқиган ҳар бир китобхон унинг истеъдодига таъзим қилиб офаринлар айтади.

Умуман олганда, катта истеъдод соҳиби Ойбек йиллар ўтган сари қалбларга ором бахш этиб, ёрқин сиймоси, салобатли асарлари, ғоят сахавотли, ҳақиқий инсонлиги билан кўз олдимизда намоён бўлаверади. У барҳаёт қалам соҳиблиридандир.

Қалдибек СЕЙДАНОВ,
Қозоғистон республикаси Гуманитар Фанлар Академиясининг академиги.

Жаҳонга юз тутган ўзбек

ЖУРНАЛИСТ ТИЛ БИЛСА АГАР...

Бугун, бутун дунёда ахборот алмашиш жараёни шиддат билан ривожланаётган даврда, инсоният фаолиятининг барча соҳаларида ўзгаришлар юз бераётир. Бундан таълим жабҳаси ҳам мустасно эмас. Ахборот йиғиш, таҳлил қилиш ва тарқатиш билан шуғулланадиган кишилар – журналистлар учун энг муҳими, давр ва унинг ривожланиш талабларига мутаносиб фаолият юритишдир. Ўзбекистон давлат Жаҳон тиллари университетининг халқаро журналистика факультети ўқитувчилари фаолиятида айнан ушбу тамойил устунлик қилаётганини кузатиш мумкин. Факультет декани Хислат Маҳамадалиев олий ўқув юртида замон билан басма-бас одим олишга қандай эришилаётгани хусусида суҳбатлашдик.

-Хислат Матлабович, гапнинг индаллосини айтганда, мазкур факультет қайси жиҳатлари билан бошқа олий ўқув юртларидаги журналистика факультетларидан фарқланади?

— Факультетимиздаги таълим, энг аввало, кўп тармоқлиликка йўналтирилганлиги билан ажралиб туради. Биз нафақат репортёр, мухбир ва шарҳловчиларни, балки асосий касби билан бир қаторда чет тилларни биладиган мутахасисларни тайёрлашга ҳаракат қиламиз.

Энг асосийси, талабаларимиз бир нарсани англашлари лозим: келгусида улар ўз фаолиятларини дипломатлик ёки таржимонлик билан қўшиб олиб боришлари имконияти мавжуд.

— Улар қай йўсинда шу даражадаги "кўп тармоқли" мутахассисларга айланишади?

— 1999 йилнинг февралида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси "Журналистларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш тўғрисида" қарор қабул қилганди. Худди шу йилнинг апрель ойида қарор асосида Жаҳон тиллари университети қошида халқаро журналистика факультети очилган. Хорижда фаолият юритувчи мухбирларни тайёрлаш унинг асосий вазифаси бўлиб қолди.

Дастлабки пайтларда бу ерда учта – "Журналистика тарихи, назарияси ва амалиёти", "Ижтимоий фанлар", "Тил ва адабиёт" кафедралари иш бошлаган. Сўнгра бошқалари – "Теле-, кино - ва радиожурналистика", "Биринчи ва иккинчи хорижий тиллар кафедралари", "ОАВ ва адабиёт тили ва услуби кафедраси", "Интернет журналистикаси кафедраси", "Ижтимоий–сиёсий фанлар кафедраси" очилган.

Кўпгина ўқитувчилар ўшандаёқ ихтисослашган тўгаракларни яратиш устида ўйлаб қолишганди.

Бугунги кунда талабаларимизда радиожурналистнинг иши билан яқиндан танишиш имкони мавжуд. Факультет очилгандан сўнг кўп ўтмай, Америкадаги "CAFE" ташкилоти (Марказий Осиёга беғараз ёрдам кўрсатиш) касбий фаолиятда фойдаланиладиган радиовоситаларини совға қилди. Бу ўзимизда "ҳаваскор" радиостанцияси очилишига замин ҳозирлади. Шундан сўнг, радиожурналистликка ихтисослашишни ихтиёр этган талабалар катта қизиқиш билан эшиттиришлар тайёрлаш, мусиқий дастурларни тузиш ишига киришиб кетишди.

Тележурналист ёки фотомухбир бўлишни истаган учта лаборатория эшиклари очиб қўйилган.

Бу устахоналар кўплар учун дарсдан сўнг маълум муддат севимли иш билан шуғулланиш имконини беради: негаки, улар учун лозим бўлган амалиёт ўташни ҳар доим ҳам пойтахт ОАВ да амалга оширишнинг имкони бўлавермайди.

— Марҳамат қилиб, хорижий олий ўқув юртлари билан муносабатлар хусусида батафсилроқ тўхталсангиз.

— Биз Япония, Хитой, Жанубий Корея, Испания, АҚШ, Германия ва Россиядаги олий ўқув юртлари билан яқиндан алоқа ўтнатганмиз. Истиқболли журналист сифатида ўзидаги тилларни ўрганишга бўлган рағбатни кўрсата олган талабаларимизни хорижий мамлакатлардан бирига юбориш имконига эгамиз. Улардан баъзилари тил ўрганиш курслари, журналистлик семинарлар, маданий тадбирларда қатнашишади. Яна кимдир узоқроқ муддат-ўқув семестри ёки бир йил давомида таълим олиш учун хорижга отланмоқда.

Москва давлат университетининг журналистика факультети билан олиб борилган ҳамкорлигимиз туфайли талабаларимизни Россиядаги нуфузли олий ўқув юртларидан бирига ўқишга юбориб туриш имконига эга бўлдик. Айтгандек, у ерларда таълим олаётган ўғил-қизларимиз ҳақида ижобий, мақтов гаплар эшитаётирмиз.

Бир неча йилдирки, ўқитувчи ва талабаларимиз Бостон университетети "Northeastem University" лойиҳасида иштирок этишмоқда. Бу ҳомийлар ҳисобига амалга оширилмоқда. Ушбу лойиҳа Америкадаги журналистикани ўрганиш марказининг бевосита кўмаги асосида рўёбга чиқаётир. Улар уч йилдан буён бизнинг биномизда фаолият юритишмоқда.

— Ушбу Марказ билан ҳамкорликда қилинаётган ишлар ҳақида атрофлича сўзлаб берсангиз.

— Улар техникавий жиҳатдан бизга катта кўмак кўрсатишди. Марказ қошида кутубхона очилган бўлиб, бу ерда ўзбек ва рус тилларидаги адабиётлардан ташқари, инглиз тилидаги китоб, журнал, аудио ва видео манбалардан ҳам фойдаланиш мумкин. Махсус аудио ва видеохоналари жиҳозланган.

Марказ қошида компьютер синфи иш олиб бормоқда. Бу ерда устоз ва талабалар машғулотларни ўтказишлари мумкин. Улар дарслардан бўш пайтда бутунжаҳон интернет тармоғи хизматидан фойдаланиш имконига эгалар. Шунингдек, Марказда компьютер ижодкорлигидаги энг замонавий йўналишлардан бири веб дизайн курсларига гуруҳлар тўплана бошланди.

Бундан ташқари, Марказ томонидан ўқитувчиларнинг тажриба алмашиши борасида ҳам дастур амалга оширилмоқда. Ҳар йили факультетимизга АҚШ ва Буюк Британиядан ўқитувчилар келмоқда. Улар томонидан касбий маҳорат бўйича семинарлар ўтказилмоқда.

Бир сўз билан айтганда, талабалар Марказда кўплаб қизиқарли машғулотлар билан шуғулланишмоқда. Фақат режалаштирилганларига улгурилса, бас.

— 2005 йилда қандай ишларни амалга ошириш режалаштирилмоқда?

— Келгусида кафедралар фаолиятини янада жонлантирмоқчимиз, янги илмий ғояларни амалга оширмоқчимиз. Янги йилнинг дастлабки кунларида яна бир ажойиб совғага эга бўлдик: Страсбург университетидан лойиҳани амалга ошириш юзасидан таклиф келиб тушди. Бироқ бу ўриндаги муваффақиятни келажак ишлар белгилайди.

Умуман, кейинги пайтларда факультетимиз турли учрашувлар, халқаро анжуманлар ўтказиладиган масканга айланмоқда. Шулар туфайли биз жаҳон ҳамжамиятига мослашаётганга ўхшаймиз. Назаримда, давр талабларига мос фаолият юритиш воқеалар марказида ва унга алоқадор бўлишни талаб этади. Негаки, уларнинг ўзи ҳам шу даврнинг зарур жараёнлари ҳисобланади. Келажагимиз давлатлар ўртасида ривожланаётган алоқалар, техника янгиликларининг пайдо бўлиши ва улардан фаолиятимизда унумли фойдаланиш ва ниҳоят, истеъдодли ўқувчи ёшлардадир.

Келажакка оид яна бир жумла. Бакалавр ва магистрларнинг муносиб битирувчиларини тайёрлаш жорий йилдаги энг муҳим мақсадларимиздан бири саналади.

Суҳбатдош: Сурайё САЛИМОВА

ҚИНҒИР ИШНИНГ ҚИЙИҒИ...

Инсон манфаати ҳамма нарсадан устун эканлигини бугун кўпчилик англаб етди. Шу боисдан ҳам демократик жамиятимизда фуқаролар ўртасида барча муносабатлар қонун-қоидалар асосида олиб борилишига эришиляпти. Шунга мувофиқ фуқаролар, айниқса, ишбилармон ва тадбиркорлар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда иш олиб боришга ҳаракат қилмоқдалар. Бу билан улар эл-юрт, маҳалла-кўй назарига тушиб, ҳам давлат ғазнасини, ҳам ўз оилавий даромадини ошириб келаётир. Бироқ, ишбилармонлик ва тадбиркорлик билан шуғулланаётган айрим фуқаролар бу имконият ва қулайликлардан керагича фойдаланмасдан ўз билганича иш юритиши оқибатида "чув" тушиб қолишмоқда. Бунга биз ўз фаолиятимиз давомида гувоҳ бўляпмиз. Бўлимимиз ходимлари туманимиздаги ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар билан ҳамкорликда ўтган йил 88 та текширув ўтказиб 64 та ҳолатда маъмурий ҳуқуқбузарликка йўл қўйилганлигини аниқлади, 18 та ҳолат бўйича эса жиноят иши қўзғатилди. Мазкур ҳуқуқбузарларга нисбатан 30689,9 минг сўм молиявий жарима қўлланилди.

Жумладан, туманимизда иш юритаётган "Ал-каср" хусусий фирмасида ходимларимиз томонидан солиқларни ўз вақтида тўланиши юзасидан ўтказилган текширишлар натижасида фирма раҳбари Ҳ.Умаров томонидан давлат бюджетига тўланиши лозим бўлган 1315160 сўмни қасддан яширганлиги ҳолати аниқланиб, унга нисбатан ЖКнинг 184-моддаси 2-қисми билан жиноят иши қўзғатилди.

Айни пайтда ҳукуматимиз раҳбарияти томонидан фермер хўжаликларининг ривожлантирилишига катта эътибор қаратилмоқда. Уларнинг мамлакатимиз иқтисодиётининг юксалишига муносиб ҳисса қўшаётганлиги учун ҳам шундай қилинмоқда. Шунга қарамасдан туманимиздаги "Абдутолип-ота" фермер хўжалиги раҳбари Икром Апталиевнинг 2003 йил ва 2004 йилнинг 7 ойи давомида давлат бюджетига тўланиши лозим бўлган нафақа жамғармаси ва йўл фонди ажратмаси учун 3129750 сўм пул маблағини давлат бюджетига тўлашдан бўйин товлаб келаётганлиги аниқланди. Фермер хўжалиги раҳбари И.Апталиевга нисбатан ҳам ЖКнинг 184-модаси 3-қисми билан жиноят иши қўзғатилди.

Бундан ташқари, Чиноз туманида жойлашган "Камсар" ОТАЖда ўтказилган текширувлар натижасида ҳиссадорлик жамияти мансабдор шахсларининг давлат томонидан белгиланган солиқ ва бошқа тўловларни ўз вақтида бюджетга тўламаганликлари аниқланиб, 2553600 сўм ажратма ва 435100 сўм молиявий жарима тўлиқ давлат бюджетига ундирилди. Жамият мансабдор шахслари Х.Ҳамроқулов ва Г.Ўразоваларга нисбатан Ўзбекистон Республикаси МЖТКнинг 175-моддаси 1-қисми билан маъмурий иш қўзғатилди.

Ҳа, шундай, қинғир ишнинг қийиғи қирқ йилдан кейин ҳам чиқаверади.

Улуғбек УМАРОВ,
Чиноз туман прокуратураси ҳузуридаги СВОЖҚК бўлими бошлиғи

Фиждувон машҳураси

Кўчадами, траспортдами ёки бошқа жойдами, бир келишган ораста қиз ёки йигитни кўрсангиз, беҳтиёр ҳаёлингиздан "чиройли экан" деган фикр ўтади. Келишган қоматига бежирим кийимларига ўзингиз билмаган ҳолда тикиб қоласиз. Қаерда тикилганлиги билан ҳам қизиқишингиз табиий. Ҳа, гўзаллик кишини ана шундай ўзига тортади, кўнглини қувонтиради.

Республикамизнинг барча шаҳар ҳамда қишлоқларида кейинги пайтларда "Машҳура" ўқув маркази машҳур бўлиб кетди. Гўзаллик ва нафосат шайдоси бўлганларни ўзига тортди. Бир неча йиллардан буён хотин-қизлар Тошкент шаҳрига бориб, ҳунар ўрганиш учун ўз вақтларини аямаяптилар. Бу тажриба ва ихлос ҳали ҳам, ўз мавқеини йўқотгани йўқ. Касб-ҳунар ўрганишга ва уни бошқаларга ўргатишга астойдил аҳд қилганлар бирин-кетин ўз вилоят ва шаҳарларида "Машҳура"нинг филиалларини очишга мувоффақ бўлишди.

Замира Сафарова ҳам 1998 йилда пойтахдаги машҳур ўша ўқув марказида таълим олганларнинг бири. У ерда ўрганганларини бухоролик қизларга ўргатиш мақсадида дастлаб Фиждивонда, кейинчалик Бухоро, Зарафшон шаҳарларида, айни пайтда эса Карманада ўз бўлимларини очди.

— 2004 йилда ўқув марказимиз алоҳида мақомга, яъни, "Фиждувон машҳураси" номига эга бўлди, — дейди марказ директори Замира Сафарова. — Ҳозирги кунда барча ўқув курслар икки ёки уч ойдан иборат бўлиб, унда бичиш тикиш, замонавий "Элита" пардаларини тикиш, қандолатчилик, аёллар сартароши, кастюм-шим, плаш ва пальтолар тикиш, каштачилик, суньий гуллар ясаш, мунчоқлар тикиш ҳамда бухороча зардўзлик каби кундалик ҳаёт ва турмуш учун муҳим касб-ҳунарлар қунт билан ўргатилмоқда. Ҳар йили 350-400 нафар қизлар ўқув курсларини тугатиб, махсус дипломга эга бўладилар. Фақат ҳужжат эмас, балки ана шу касб қисқа давр мобайнида ёшлар катта тажриба орттиришга ҳам эришадилар. Ҳар бир машғулот фақат амалиётдан иборат бўлганлиги ҳар иккала томонга — ўргатувчи ва ўрганувчига ҳам қўл келмоқда

Ёшларга турли ҳунарларни ўргатишда Дилдора Самадова, Дилорам Ботирова, Дилфуза Жумаева, Юлдуз Саидова каби қўли гул чевар зукко ўқитувчилар бор маҳоратларини ишга солмоқдалар.

"Машҳура" да таълим олаётган ёшлар орасталик, гўзаллик ва нафосатдан ҳам сабоқ олади.



Ёшлар камоли — юрт жамоли

Буюк шоир номи билан аталувчи шаҳарнинг маданият саройида аллома таваллудига бағишлаб "Навоий гулшани" номли адабий-бадиий мусиқали кеча бўлиб ўтди.

Аллома таваллудига бағишлаб

Барчага манзур бўлган бу тадбирни Б.Умаров саҳналаштирди. А.Аъзамовнинг "Дугоҳи Ҳусайний" асаридан кўриниш ва "Наво" академик ашула ва рақс ансамбли ижро этган Алишер Навоийнинг ғазалларига басталанган мақом, куй ва қўшиқлари асосида ташкил этилган серқирра дастур йиғилганларда катта таассурот қолдирди.

Буюк боболаримизга эҳтиром

Ўзбекистон Давлат Консерваториясида буюк муттафаккир шоир, давлат арбоби, ғазал мулкининг султони Мир Алишер Навоийнинг беш юз олтмиш тўрт йиллигига ҳамда буюк саркарда, шоир Заҳириддин Муҳаммад Бобур таваллудининг беш юз йигирма икки йиллигига бағишланган маданий-маърифий кеча бўлиб ўтди. Кечани Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Ўзбек театр ишлаб чиқариш бирлашмаси ва Ўзбекистон Давлат Консерваторияси ҳамкорликда ташкил этди. Тадбирда сўзга чиққанлар икки буюк шахснинг мамлакатимиз ва жаҳон хазинасига қўшган улкан маданий ва маънавий меросини юксак фахру ифтихор ила таъкидлаб ўтишди. Шундан сўнг Ўзбек Миллий академик театри ҳамда Аброр Ҳидоятов номли театр актёрлари икки буюк бобомиз ҳаётининг қийин дамларидан саҳна кўринишлари намойиш этишди ҳамда уларнинг ғазалларидан намуналар ўқишди. Тадбир сўнгида талабалар Навоий ва Бобур ғазаллари билан айтиладиган қўшиқлардан куйлашди.

Рустам ҲАЙДАРОВ

Муносабат

МИЛЛАТ ШАЪНИГА ДОГ

Деярли йигирма кун бўляптики, Россия телевидениесининг бутун жаҳон томоша қиладиган Биринчи каналида «Бир туғишганлар» /«Близнецы»/ деб номланган кўп серияли бадиий фильм намойиш этилаётир.

Ҳозир Россия ҳам, Ўзбекистон ҳам мустақил давлат. Қандай мавзуда фильмлар яратишни ҳар бири ўзича ҳал қилади. Бу борада бири иккинчисига кўрсатма беролмайди. Мабодо мазкур «Близнецы» телесериалининг ҳам бир учи Ўзбекистонга, ўзбекларга келиб тақалмаганда биз бу ҳақда умуман гапириб ўтирмаган бўлардик: хоҳлаганларини кўрсатишса кўрсатишавермайдими!

Мен ушбу сериални юрагим увишганча томоша қилдим. Фарзандларимни телевизор экранига яқинлаштирмайман: ялангоч лавҳаларга кўзлари тушиб қолишидан қўрқаман. Ҳар сафар бир ўй ўтади хаёлимдан: қани, бу сафар, бу серияда ўзбекнинг юзига яна қандай қоракуя чапланар экан?

Энди, қимматли ўқувчим, ҳозир кўпчиликнинг оғзига тушган ана ўша давомли фильм мазмуни билан сизни таништириб ўтаман.

...Саксонинчи йилларнинг бошлари. Россиянинг Новгород вилоятида, ички ишлар тизимида хизмат қилаётган капитан Пётр Ерожинни вилоят Давлат хавфсизлик комитети бошқармасига чақириб, унга ўзларининг милиция тизимидаги махсус яширин агенти, тўғрироғи айғочиси бўлишни таклиф этадилар ва бунинг учун яхшигина пул ваъда қиладилар. Капитан «Майли, ўйлаб кўраман» дейди ва бу ҳақда ўзининг яқин бошлиғига хабар қилади.

— КГБ билан ҳазиллашиб бўлмайди, — дейди бошлиғи, — мабодо уларга «йўқ» десанг, ишинг чаппасидан кетиб қолиши ҳеч гап эмас. Улар бироз ҳовурларидан тушиб олгунларича яхшиси кўзларига кўринмай тур. Кейин унутиб юборишади. Бирон-бир жойга командировкага бориб кел.

— У ҳолда мени Ўзбекистонга юборинг, — илтимос қилади Ерожин, — ўша ерда, Самарқанд шаҳрида бир дўстим яшайди. Шаҳар милициясида ишлайди. У билан Калинин шаҳридаги милиция мактабида бирга ўқиганмиз.

— Жуда соз.

Шундай қилиб, саксонинчи йилнинг бошларида, ёз кунларидан бирида капитан Ерожин Самарқандда пайдо бўлади. Бу ерда, аэропортда уни яқин дўсти, милиция капитани Воҳид Иброҳимов кутиб олади.

Новгородлик капитан самарқандлик милиционерлар даврасида кайф-сафо дарёсига шўнғиб кетади. Ҳар куни бирон-бир анҳор бўйида, чойхонада палов, ароқ, маишат... Ерожин кунлардан бирида дўсти Иброҳимовнинг уйида у билан ароқхўрлик қилишаётганда Воҳид қаттиқ кайф бўлади ва "ўчиб" қолади. Шунда унинг ёш, гўзал, бироқ жуда суюқоёқ хотини Райҳон россиялик меҳмонни, ўз эрининг дўстини қўярда-қўймай четдаги хоналардан бирига етаклайди... Уй эгаси эса бу вақт қўшни хонада ҳурракни ванг қўйганча ухлаб ётарди...

Кўп ўтмай Ерожин ўз юртига қайтиб кетади.

«Близнецы» фильми Россияда унча номи чиқмаган ёзувчининг шу номдаги романи асосида суратга олинган. Фильм Россияда, бу мамлакатнинг ички ишлар тизимида бўлиб ўтган кўпдан-кўп воқеаларни ўз ичига қамраб олади. Лекин биз уларнинг барчаси ҳақида гапириб ўтирмаймиз. Фақат Ўзбекистонга, ўзимизга даҳлдор бўлган лавҳалар ҳақидагина сўз юритамиз.

Демак, россиялик меҳмон ўз дўстининг уйида унинг хотини билан дон олишгандан сўнг юртига жўнаб кетди. Капитан Иброҳимовнинг Райҳондан ташқари иккинчи, Шура исмли рус хотини ҳам бор эди. У бепушт эди ва Самарқанд шаҳридаги туғруқхоналардан бирида доя-ҳамшира бўлиб ишларди. Кунлардан бирида Шура навбатчилик қилаётган кечада Самарқандда ҳарбий хизматни ўтаётган, миллати рус бўлган армия капитанининг хотинини туғруқхонага олиб келадилар. Худди шу куни капитан Иброҳимов ҳам ўзининг тўлғоқ тута бошлаган хотини Райҳонни бу ерга олиб келади. Аримия капитанининг хотини бир-йўла учта қиз туғади. Иброҳимовнинг хотини Райҳон эса битта қиз кўради.

Гўдакларга доялик қилган ҳамшира Шура ўзи фарзанд кўрмаганлиги сабабли сиқилиб, кундоши Райхонга ғашлик қилиб юрарди. Изтироб алангасида қовурилаётган аёл «Мана сенга!» дейди-да, кундошидан ўч олиш мақсадида унинг қизчасини ҳалиги армия капитанининг учта қизидан биттасига алмаштириб қўяди.- Бир қанча вақтдан сўнг эса капитаннинг хотини учта қизчасини (ёддан чиқарманг: биттаси ўзбек қизига алмаштириб қўйилган) олганича хизматини давом эттириш учун эри билан Германияга жўнаб кетади... Унинг алмаштирилган қизи Иброҳимовлар оиласида қолади.

Орадан уч-тўрт йил ўтади. Самарқанд шаҳар милициясининг ходими капитан В.Иброҳимовнинг оиласида кўзлари кўм-кўк, сочлари сариқ қизча вояга ета болайди (бу — алмаштириб қўйилган рус қизча). Иброҳимов ҳали ҳам суюқоёқлигини қўймаётган хотини Райхонни қаттиқ рашк қилади. «Бу менинг қизим эмас, қайси ўйнашингдан орттиргансан уни!» дея хотинини бўға бошлайди. Райхоннинг жони анча мўрт экан. Шу ондаёқ узлатга равона бўлади. Иброҳимов унинг жасадини машинасининг юкхонасига босиб, киши билмас бир жойга олиб бориб кўмиб келади... Лекин онасини айнан ўз отаси бўғиб ўлдирганлигини уч ёшли қизи Фотима кўриб турган эди...

Орадан ўн беш йилга яқин вақт ўтди. Энди биз капитан Воҳид Иброҳимовни полковник унвонида, Самарқанд шаҳар Ички ишлар бошқармасининг бошлиғи лавозимида кўрамиз. Унинг шахсий «Мерседес»и бор, данғиллама участка тиклаб олган. Темир сандиғида эса долларлар қалашиб ётибди.

Бу орада унинг алмаштирилган қизи, сариқ соч Фотима ҳам камолот ёшига етиб қолган. Иброҳимов, албатта, қизи алмаштирилгани ҳақида ҳеч нарсани билмаса-да, хотини уни ўйнашидан орттирганлигини таҳмин қилиб юради.

Фотима она тарбиясидан маҳрум бўлгани боис безори бўлиб вояга етади. Самарқанд шаҳридаги бир тўп ўғри ва қотиллар гуруҳига қўшилиб олади. Унга ҳеч ким ҳеч нима дея олмайди: кимсан шаҳар милицияси бошлиғининг арзанда қизи. Фотима ҳам онаси Райхон каби суюқоёқликни бошлаб юборган... Қиз турли жиноий гуруҳларнинг Регистоннинг тарихий обидалари ёнидаги отишмаларида иштрок этади. Самарқанднинг ашаддий жиноятчилари қиз орқали, унинг отаси мансабидан фойдаланиб, ўзларининг жиноят устида қўлга тушган шерикларини турмадан қутқариб қоладилар. Эвазига яхшилаб ҳақ тўлайдилар.

Бу пайтга келиб Фотима отасини таъқиб қила бошлаганди. «Онамни сен ўлдиргансан, керак бўлса сени қаматтириб юбораман» дея Иброҳимовни қўрқита бошлайди у. Ўзининг асл отаси Воҳид Иброҳимов эмаслигини сезган қиз энди уни... ўзига ўйнаш қилиб олади. Иброҳимовнинг олдида онадан туғма бир ҳолда ечиниб, унга қичқиради: «Сен лаззатни хоҳлаб қолдингми? Кел, мана мен тайёрман!»

Уят-а? Ҳа албатта-да! Фильмнинг Самарқандда олинган лавҳаларидан барчасида қаҳрамонлар ўзбек тилида сўзлашишларини ҳам унитиб қўймайлик...

Энг қизиғи. Ўз қизидан (ўз қизи бўлмаса-да, гўдаклигидан уни катта қилди-ку!) шу сўзни эшитган ота қизини яхшилаб дўппослаш ўрнига... у билан ишратга киришиб кетади.

Пировардида иш шунга бориб етадики, шаҳар ички ишлар бошқармасининг бошлиғи ўз қизи Фотима билан очиқчасига зино қилишга ўтади. Бу нарсани бутун Самарқанд аҳли яхши билади...

Кунлардан бирида эса 18 ёшли Фотимага пул керак бўлиб қолади. Шунда у отасига қўнғироқ қилиб бир кечали лаззатни таклиф этади. Эвазига эса 5 минг доллар сўрайди. Ота ижирғаниб (ахир пул жигардан пайдо бўлади деб бекорга айтмаганлар-ку!) рози бўлади. У 5 минг долларни чўнтагига солиб маишат учун қизининг уйига келганида Фотима ҳийла ишлатади ва отасини сувга чўктириб ўлдиради. Унинг 5 минг долларини, тўппончасини олиб қўяди ва Тошкентга келиб, ўзининг бир жиноий таниши орқали сохта паспорт тайёрлатади ва Россияга жўнаб кетади. Фотима пировардида ўзининг гўдакликда алмаштириб қўйилганлигини билади ва Россиядаги опалари ва уларнинг куёвларидан қасос олиш жараёнини бошлаб юборади. Отасидан ўғирлаб олган тўппонча билан уларни бирма-бир ота бошлайди. Пировардида ўзи ҳам ўлиб кетади...

Фильмнинг давомини сўзлаб ўтирмаймиз, зотан нариги томони Россияга бориб тақалади. Биз эса фақат Ўзбекистон, ўзбекларга тааллуқли жойлари ҳақида мулоҳаза юритамиз. Фильм ҳақида батафсилроқ гапираётганлигимиз учун узр сўраймиз, чунки шундай қилмасак унча тушунарсиз бўлиб қолиши мумкин.

Орадан йигирма йил ўтгач, юқорида айтиб ўтганимиз суюқоёқ капитан Ерожин ўз юртида подполковник унвонига эга бўлади. У Россия Ички ишлар вазири ўринбосарининг яқин одами-югурдагига айланади. Фотима Россияда содир этаётган жиноятларнинг илдизини очиш учун (сабаби қиз одамларни отасидан ўғирлаб олган тўппончаси билан отиб ўлдираётганди) Ерожин яна Ўзбекистонга сафар қилади. Дўсти Воҳид Иброҳимовнинг беиз йўқолганлигини билади, уни излаб, охири жасадини Самарқанд яқинидаги Мирза ариқ каналидан, Иброҳимовнинг «Жигули»си ичидан топишга муваффақ бўлади. Машинада Воҳиднинг уй калити ҳам бор эди. Ерожин калитни яшириб чўнтагига солиб қўяди. Кечки пайт дўстининг данғиллама, бироқ ҳеч ким яшамай, ҳувиллаб қолган уйига келади-да, темир сандиқдан унинг яшириб қўйилган юз минг доллардан ортиқроқ пулини ўмариб, чўнтагига уради...

Ерожинга Самарқандда Муҳаббат исмли кўҳликкина, чиройлигина милиция ходими бўлган қиз ҳамкорлик қилиб юради. Ерожин бир вақт кечқурун меҳмонхонага келса, ўша Муҳаббат унинг хонасига кириб, меҳмоннинг каравотида онадан туғма ҳолда «Мана мен тайёрман, келаверинг» дегандай ётган бўлади...

Фильмни томоша қилиш жараёнида эсда муҳрланиб қоладиган яна бир икки лавҳалар борки, улар ҳақида ҳам айтмасак бўлмайди, зотан улар ҳам миллатимиз шаънига, ғурурига бориб тақалади. Биринчиси — москвалик изқувар Ерожин йигирма йилдан сўнг Ўзбекистонга келар экан, уни Тошкент аэропортида Ўзбекистон Ички ишлар вазирлигининг масъул ходимларидан бири кутиб олишидир. Бу ролни таниқли актёр Рустам Саъдуллаев ўйнаган. Меҳмон ва мезбон Навоий театри ёнидаги фаввора ёнига келадилар. Вазирликнинг масъул ходими Ерожинга қуйидагиларни айтади:

— Сен мана бу фонтанга оз-моз танга ташла. Бу нарса ишларингнинг юришиб кетишига туртки бўлади. Кейин, бир нарсани миянгга қуйиб ол. Бу ерда, Ўзбекистонда демократик-пемократия, ошкоралик-пошкоралик деган нарсалар кетмайди. Бу нарсаларингни Москвангда қолдириб келган бўлгин...

Кейин, уч-тўрт кун ўтгач вазирликнинг ушбу ходими Ўзбекистондан юз минг доллардан ортиқроқ валютани ҳеч қандай декларациясиз, ўғирлиқча олиб чиқиб кетаётган москвалик шоввозга ялтоқланганича уни Тошкент вокзалида катта тантана билан кузатиб қолади. Хатто хайрлашаётиб унга совға-салом нақшинкор, қимматбаҳо тўппонча ҳам ҳадья қилади.

Иккинчи бир лавҳа. Фильмда республикамизнинг таниқли актёрларидан бири Мурод Ражабов ҳам эпизодик роль ўйнаган. Фильм бошида у Самарқанд шаҳри атрофидаги қишлоқлардан бирида яшайди. Йигирма йилдан кейин эса унинг Россиянинг Вологда вилоятидаги қишлоқлардан бирида қочоқ сифатида яшай бошлаганлиги ва ўрмонда қўзиқорин териш билан тирикчилик қилаётганлигини кўрамиз. Ўзи билан бирга қўзиқорин тераётган қизнинг «Бу ерларда сиз нима қилиб юрибсиз, амаки!» деган саволига М.Ражабовнинг қаҳрамони тўппадан-тўғри шундай деб жавоб беради:

— Биз томонларда «резня» бошлангандан сўнг бошимни олиб шу ерларга келишга мажбур бўлдим...

«Резня» сўзи ўзбек тилида «пичоқбозлик» «сўйиш-сўйиш» деган маънони билдиради. Қизик, Ўзбекистонда ва айниқса Самарқандда қачон «резня» бўлди экан? Фильм муаллифлари Ўзбекистонни бошқа қўшни давлатлар билан алмаштириб юбормадимиканлар? Биз яхши биламизки, мамлакатимиз бошида Президентимиз турган давр мобайнида, яъни деярли 16 йилдан бери юртимизда мўътадил сиёсий вазият ҳукм суриб келяпти.

«Близнецы» телефильми ҳали тугагани йўқ. Лекин ҳозиргача томоша қилганларимиз у ҳақда озмиқўпми фикр билдиришимиз учун асос бўла олади.

Энг аввало, ўзбек аёллари шунчалар паст, аҳлоқсиз, оёқ ости бўлиб кетдилармики, россиялик бир изқувар Ўзбекистонга келиши биланоқ дарҳол унинг бўйнига ўзлари ташланиб, чеккага тортсалар, меҳмонхонага улардан аввал келиб, қип-ялангоч ҳолда каравотларига ётиб олсалар? Бу оналаримизга, сингилларимизга, қизларимизга нисбатан тухматдан бошқа нарса эмас, деган фикрдамиз.

«Адолат» газетасининг янги йилидан кейинги сонларидан бирида ажойиб мақола ўқиган эдик. Унда бир жумла келтирилганди: ёш бир шоирнинг шеърида «Мен ўзбекман десам, отдан тушиб саломлашдилар» дейилгани эслатиб ўтилганди. Шундай мўътабар, қадри, ҳурмати, ғурури ўзига етарли бўлган халқнинг чет эл фильмида бу қадар ҳақоратланишини қандай баҳоламоқ керак? Мабодо мазкур фильм мустабидлик йилларида яратилган бўлса, тишимизни тишимизга қўйиб чидашга мажбур бўлардик. Лекин у, минг афсуски, мустақиллигимизнинг ўн бешинчи йилида яратиляпти...

Биз миллатчи эмасмиз, лекин ўзимизни Ватаннинг фидойи фарзандлари деб биламиз. Буюк рус шоири Некрасов бундан юз эллик йил муқаддам ўз ватандошига мурожаат қилиб: «Сен шоир бўлмаслигинг мумкин, лекин гражданин бўлишинг шарт» деган эди. «Гражданин» сўзи бу ўринда «ватанпарвар» маъносида келаётганлигини тушуниб турган бўлсангиз керак, албатта.

Шундай бир табиий савол туғилади: рус киночилари Ўзбекистонга келиб, ўзбекларнинг шаънини ерга урувчи фильм яратишлари, халқнинг юзига лой чаплаб бутун жаҳонга намойиш этишлари учун ким шарт-шароит яратиб берди? Ким бу билан ўзига «очко» ишлади? Ёш бола учун ҳам тушунарли: фильм ижодкорларига бу ерда, Ўзбекистонда яқиндан ёрдам берилмаса, бу асар яратилмасди, албатта. Сиёб бозоридаги отишмалар, қанчаданқанча буюк алломаларнинг оёғи теккан Регистон атрофида, кўҳна обидалар ёнидаги фаҳш ишлар, отишувлар — буларнинг ҳаммасини суратга тушириш учун қандайдир бир масъул шахсларнинг рухсати керак бўлармиди? Бўларди, албатта! Ким ўша одамлар?

Юқорида биз Некрасовнинг машҳур сўзларини бекор келтирмадик. Халқимизни уятдан бошини эгишга мажбур қилган бу «ижод намунаси»ни яратишда ўзимизнинг ТАНИҚЛИ ЎЗБЕК АКТЁРЛАРИМИЗ енг шимариб хизмат қилганлиги жуда-жуда ачинарли бир ҳолдир...

Маълумки, ўз қадрини билган ҳар қандай актёр қайсидир бир роль таклиф этилса, уни ижро этишдан аввал фильм сценарийсини пухта ўқиб чиқади. Мабодо ёқмаса, виждони кўтармаса «Кечирасиз, бу бизга тўғри келмас экан» дея қайтариб беради. Юқорида номлари тилга олинган актёрларимиз эса россиялик режиссёрлар нимани ва қандай ўйнашни топширган бўлсалар мик этмай қўғирчоқ каби ана ўша нарсани ўйнайверганлар.

Кейин, Ўзбекистон Ички ишлар вазирлигининг кўҳликкина, ёшгина милиционер қизи бошқа давлат изқувари хонасига унинг рухсатисиз кириб олиб, онадан туғма ҳолда ётишини қандай тушунмоқ мумкин?

Умуман олганда мазкур фильмга жамиятимиз ўз баҳосини бермоғи керак, токи кейинги пайтда болалаб кетаётган бундай «сериаллар» ажнабий давлатларнинг ўз иши бўлиб қолаверсин.

СЎНГСЎЗ ЎРНИДА: Мақолага нуқта қўйиш олдидан биз Самарқандга, шаҳар Ички ишлар бошқармасига қўнғироқ қилдик. Бошқарма бошлиғи, милиция полковниги П.М.Шамсиев билан мулоқотда бўлдик. Мазкур фильм ҳақида унинг фикрини сўрадик:

— Россия телевидениеси орқали шундай бир фильм намойиш этилаётгани ҳақида эшитяпман, — деди Паҳлавон Мустафоевич, — лекин уни томоша қилишга вақт қайда дейсиз! Бундай воқеалар бизнинг шаҳарда умуман бўлмаганлиги ҳақида ҳамма айтиб юрибди. Фильм ижодкорларига шароит яратиб берилганлиги хусусида гапирадиган бўлсак, бу нарсалардан менинг умуман хабарим йўқ. Ҳамма нарса Тошкент орқали амалга оширилган.

Бу сўзларга изоҳнинг ҳожати бўлмаса керак...

Нурбек ДАВРОН

Муассис: Ўзбекистон «Адолат» СДП Сиёсий Кенгаши

Бош муҳаррир вазифасини бажарувчи: Рустам АҲМАДАЛИЕВ

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:

Дилором ТОШМУҲАМЕДОВА, Абдували ҒУЛОММАҲМУДОВ, Анвар ЖЎРАБОЕВ, Равшан ҲАЙДАРОВ, Турғунпўлат ДАМИНОВ, Каримжон РИХСИЕВ (Бош муҳаррир ўринбосари), Бобоқул ТОШЕВ, Рустам АЗИМОВ, Турғун ЭРГАШЕВ, Ўткир ЖЎРАЕВ, Муҳаммад РАҲМОН, Низомиддин НУРМАТОВ, Зоҳир ТЎРАҚУЛОВ

телефонлар:
Қабулхона-136-53-14.
Факс: (8.371) 133-41-89.
Сиёсат ва партия ҳаёти-136-55-96.
Хатлар бўлими — 136-55-64.
Маънавият, адабиёт ва санъат-136-55-64

МАНЗИЛИМИЗ:
700047, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигидан 016 рақами билан рўйхатдан ўтган.
Буюртма Г— 100,
Ҳажми—2 табоқ.
Офсет усулида босилган.
Қоғоз бичими А—2

«Шарқ» нашриёт - матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.
Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41.

Навбатчи — Сафар ОЛЛОЁРОВ

Газета ЙВМ компьютерида терилди.

Босишга топшириш вақти — 20.00
Босишга топширилди — 19.30

• Муаллиф фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқ қилиши мумкин. • Реклама ва эълонлар ҳаққонийлиги учун буюртма берувчи масъулдир. • «Адолат»дан кўчириб босиш фақат таҳририят рухсати билан амалга оширилади. t Мазкур белги остида тижорат мақолалари чоп этилади. • Газетанинг сифатли босилишига босмахона масъул. • Қўлёзмалар эгаларига қайтарилмайди ва жавоб берилмайди. 1 2 3 4 6